Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 162 (3663)
19 ЧОРШАНБА
ИЮЛЬ 1978 Й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИК БЕШ ЙИЛЛИГИГА—ИШЧИ КАФОЛАТИ

• Беш йиллик вахтасида

ОРТИҒИ БИЛАН

Тўқимачилик-галантерея фабрикаси коллективи СССР янги Конституциясининг бир йиллигини муносиб меҳнат туҳфалари билан кутиб олиш учун интилиб, 14 июлда маҳсулот реализация қилиш бўйича етти ойлик топшириқни муддатидан илгари адо этди. Йил бошидан бери савдо тармоқларига 1 миллион 900 минг сўмликдан ортиқ юқори сифатли буюмлар юборилди. Бундан ташқари меҳнат унумдорлигини ўстириш, фондлар самарадорлигини ошириш, хом ашё материалларини тежаб-тергаб сарфлаш бўйича ҳам дурустгина муваффақиятлар қўлга киритилди.

БУГУН

фабрика коллективининг август ойи ҳисобига ишлаб чиқарган буюмлари 100 минг сўмликка етди. Июль ойи охиригача бу рақам 200 минг сўмликка етади.

Корхонада давлат планлари ва социалистик мажбуриятларнинг ортиғи билан бажарилишига пахта тараш ва галантерея цехларининг Рашид Пўлатов ва Эдуард Мелкумов бошлиқ коммунистлари муносиб ҳисса қўшишяпти.

Варвара Дронова кўп йиллардан бери «Учқун» тўқимачилик-галантерея бирлашмасида меҳнат қилиб келяпти. У смена топшириқларини мунтазам ортиғи билан бажаргани ҳолда фақат аъло сифатли маҳсулот тайёрлайди. Илғор ишчининг кўп йиллик самарали меҳнати юқори баҳоланаяпти. У «Ҳурмат белгиси» ордени ва бир қанча медаллар билан мукофотланган.

СУРАТДА: илғор тўқувчи Варвара Дронова.

КОМСОМОЛ ЭСТАФЕТАСИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг комсомол ташкилоти ташаббуси билан ана шу корхонада ёшлар шарафли ишларининг анъанавий эстафетаси ўтказилмоқда.

БУГУН

ана шу корхонанинг ботиқ босма цехи йигит ва қизлари меҳнат эстафетаси китобига ўзларининг рапортларини ёздилар. Бу коллектив шу йилнинг биринчи ярим йиллигида планга қўшимча 2 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, 15 минг килограммдан ортиқ қоғозни тежаб қолди.

Нашриётнинг барча комсомол-ёшлар коллективи ВЛКСМнинг 60 йиллигига бағишланган ушбу меҳнат эстафетаси китобига ўзларининг рапортларини битадилар.

МЕҲНАТКАШЛАР ҲУЗУРИДА

БУГУН

Тошкент шаҳар «Билим» жамияти ташкилоти КПСС Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган июль Пленуми материалларини пропаганда қилиш мақсадида илмий-тадқиқот институтлари ва муассасаларининг олимларидан иборат лекторлар группаларини шаҳар корхоналари бўйлаб юбора бошлади.

«Билим» жамиятининг аъзолари, партия тарихи институтининг илмий ходимлари М. Аҳмедов ва Х. Исмоиловлар Октябрь районидаги кўн-мўйна заводи ишчилари ҳузурида бўлдилар. Улар жонажон партиямиз Марказий Комитетининг июль Пленуми мамлакатимизнинг қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш борасида жуда катта тадбирлар белгилаб берганлиги ҳақида ҳикоя қилиб бердилар.

Шу ҳафтада Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон 50 йиллиги номли тикув ишлаб чиқариш бирлашмасида бўладиган учрашувга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қошидаги партия тарихи институтининг илмий ходимлари таклиф қилинган.

БАХТ ҚОМУСИГА БАҒИШЛАБ

БУГУН

Тошкент шаҳар «Билим» жамияти правлениеси, шаҳар маданият бошқармаси Чилонзордаги «Ўзбекистон комсомоли 40 йиллиги» номли маданият ва истироҳат боғида СССР Конституциясининг бир йиллиги олдидан махсус лекторий ташкил қилдилар.

Ана шу лекторийга дам олувчилар ва тингловчиларни жалб этиш мақсадида турли ташкилий ишлар олиб борилмоқда. Шу ҳафтада ўз фаолиятини биринчи марта бошлайдиган бу лекторийда шаҳар «Билим» жамиятининг аъзоси Г. Я. Денисов СССР янги Конституциясининг тарихий аҳамияти ҳақида лекция ўқийди.

Лекторий машғулотлари ҳафтада бир марта ўтказиб турилади.

◆ ИЮЛЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ — ОММАГА

АГИТБРИГАДА САФАРГА ЧИҚДИ

В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали яхши ташаббус бошлади. Мўътабар даргоҳ олимлари ва лекторлари КПСС Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган июль Пленуми материалларини республика меҳнаткашлари ўртасида кенг пропаганда қилиш мақсадида махсус агитбригада ташкил этди. Бу бригаданинг составига шаҳардаги илмий-тадқиқот институтларининг илмий ходимлари ҳам киритилган.

БУГУН

ана шу бригада республика областлари бўйлаб сафарга жўнаб кетди. Лекторлар хўжаликлар, турли корхоналар, муассасаларнинг ишчи хизматчилари ҳузурида муҳим мавзуларда суҳбатлар ўтказадилар. Улар айни пайтда РСДРП II съездининг 75 йиллигига бағишланган суҳбатларни олиб борадилар.

Тошкент асбобсозлик заводининг новатор ишчиларидан (чапдан-ўнгга) Саидбилол Ғуломов ва Николай Горбунов бир беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажариш ташаббусига биринчилар қаторида қўшилишган. Ҳозирги пайтда моҳир прессчи Н. Горбунов ўн биринчи беш йиллик ҳисобига меҳнат қиляпти, унинг дўсти С. Ғуломов эса ўнинчи беш йиллик шахсий топшириғини бажариш арафасида турибди.

СУРАТДА: С. Ғуломов ва Н. Горбунов ўртоқлар.

М. Нуриддинов фотолари.

КОШИН ЖИЛОСИ

3-ғишт заводининг коммунист Анатолий Микишенко бошлиқ цехи пойтахт қурилишлари учун турли рангдаги кошинлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Цех азаматлари кейинги тўрт-беш йил мобайнида маҳсулот сифатини яхшилаш, хилини кўпайтириш борасида тинмай изланмоқдалар. Ҳозир бу ердан пойтахтнинг турли қурилиш объектларига ҳар ойда 6000—6500 квадрат метр ранг-баранг, сержило кошин жўнатилиб турибди.

Цехда олти ой мобайнида 40 минг ўрнига 40.5 минг квадрат метр маҳсулот тайёрланди. Июль ойи ҳисобига топширилаётган кошинлар эса 4 минг квадрат метрдан ортиб кетди. Цехда кенг қулоч ёйган социалистик мусобақада мастер Е. Ванаева бошлиқ смена коллективи барчага намуна бўляпти. Бу коллектив ускуналарнинг унумли ишлашини таъминлаш, иш вақтини зичлаштириш, ўзаро ҳамжиҳатлик асосида меҳнат қилиш орқали смена топшириқларини мунтазам 110—115 процентга етказиб адо этяпти.

Меҳнат самараси

БУГУН

Андижон областидан келган 300 дан ортиқ ёш тўқимачи шаҳримизнинг тўқимачилик комбинатида биринчи марта мустақил меҳнат қилиб, ўзининг дастлабки маҳсулотини тайёрлаш шарафига муяссар бўлди.

Бундан бир йил муқаддам ана шу корхона қошидаги билим юртида тўқимачилик касбини эгаллашга киришган ана шу қизлар эндиликда ҳаётга мустақил қадам қўйдилар. Улар бир йил давомида корхонанинг машҳур тўқувчилари Дилбар Қулматова, Люба Хегай, Илёс Губайдуллин бошлиқ бригадаларда меҳнат маҳоратини ўргандилар. Куни кеча комбинатнинг маданият саройида бўлиб ўтган тантанали кеча Андижоннинг ана шу қизларини ишчилар синфи сафларига қабул қилишга бағишланди.

Ёш тўқимачиларни корхона директори О. Б. Бурхонов ва машҳур тўқимачилар қизғин муборакбод этдилар.

Пойтахтимизнинг бир куни



• Ҳамшаҳарлар, Сизлар учун

Аҳоли мамнун

БУГУН

Тошкент метроси вагонларида 150 мингдан зиёд йўловчига намунали хизмат кўрсатилди. Бу пландагига кўра 1600 киши кўп ташилганлигини кўрсатади. Тошкент метрочилари шу йилнинг биринчи ярим йиллигида пассажирлар ташиш планини 107 процент бажаришди. Манзилларга 24 миллион 400 минг киши етказиб қўйилди.

Метро ишчилари ер ости қасрининг пассажирларига хизмат кўрсатиш даражасини ошириш, намунали хизмат кўрсатиш мақсадида поездларнинг тўла-тўкис ҳаракат қилишини юз процент таъминламоқдалар. Айни пайтда қисқа вақт ичида 430 минг киловат-соат электр қуввати тежаб қолинди. Кейинги пайтларда метронинг тезлиги ўрта ҳисобда соатига 40 километрдан 70 километрга етказилди. Йўловчилар «Октябрь революцияси»дан «Собир Раҳимов» станциясигача бўлган масофани 28 минут ўрнига 17 минутда босиб ўтмоқдалар.

• «Ўроқ ва Болға» иттифоқига садоқат

ДЕҲҚОНЛАР ҲУЗУРИДА

БУГУН

Чилонзор ва Акмал Икромов районлари ишлаб чиқариш корхоналарининг ҳашарчилари, маданият уйларининг ансамбллари коллективлари оталиғидаги Жиззах областининг Арнасой районидаги хўжаликлардан қайтиб келдилар. Улар бир ойдан ошиқ вақт мобайнида дала меҳнаткашларининг оғирини енгил қилиб, уларга катта ҳашар ва маданий хизмат кўрсатдилар. Тошкентлик ҳашарчиларнинг Арнасойда жойлашган штаби аъзоси, Чилонзор район маданият бўлимининг мудири Воҳид Одилов мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:

— Ҳаммамизга маълумки, яқинда бўлиб ўтган КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қарорлари мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришда жуда катта вазифаларни белгилаб берди. Бу тарихий Пленум айни пайтда Чилонзор ва Акмал Икромов районлари саноатчилари ва маданият ходимлари олдига муносиб вазифаларни қўйди. Оталиқдаги Арнасой районининг қатор хўжаликларида жуда кўп ташкилотлар вакиллари хашак тайёрлашда қатнашишди. «Узоргводтехстрой», «Промгражданстрой» муассасалари, 5-такси парки, 2-автопарк, соғлиқни сақлаш муассасаларининг 600 га яқин ҳашарчиси қисқа вақт ичида 5200 тонна хашак жамғариб берди.

Бундан ташқари ремонтчиларимиз Совет Иттифоқи Маршали Конев номли совхозда 12 та пахта териш машинасини ремонтдан чиқариб пахта теримига тахт қилиб қўйишди.

Еттита совхозда медицина пунктлари фаолиятини жонлантиришда яқиндан ёрдам кўрсатилди. Жуков номли совхозда ва район марказида КПСС XXV съезди, совет кишиларининг беш йилликдаги меҳнат жасоратига бағишланган катта ва мазмундор паннолар ўрнатилди.

Совет Иттифоқи Маршаллари Рокоссовский, Гречко, Тимошенко, Жуков, Конев номли совхозларнинг дала шийпонларида бир қатор концертлар берилди. Дала меҳнаткашлари шаҳарликларнинг санъатидан мамнун бўлдилар.

Навбатда оталиқдаги район хўжаликлари билан «Ўроқ ва болға» байрамини ўтказиш юзасидан катта тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди.

• РЕСПУБЛИКА БЎЙЛАБ

БРИГАДА ПУДРАТИ ҚЎЛ КЕЛДИ

«Узмостострой» трестига қарашли 31-қурилиш бошқармаси коллективи катта Наманган канали ва Фарғона канали участкалари орқали ўтиладиган кўприкларни муддатидан уч ой илгари қуриб бердилар. Бошқармага қарашли олтита бригаданинг ҳаммаси москвалик машҳур бинокор Н. Злобин усулида меҳнат қилганлиги ўз кучини кўрсатди. Бригада пудрат усули бошқармадаги ҳар бир ходимнинг меҳнат унумдорлигини 15 процент ошириш, планга қўшимча равишда 100 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажариш имкониятини берди.

КОМБИНАТНИНГ ЯНА БИР МАҲСУЛОТИ

Янгиер қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинати конвейеридан маданий-маиший объектларни барпо этиш учун керак бўладиган колонна, ригел, том плиталари, девор панелларининг дастлабки туркуми тушди. Йиғма конструкциялар қурилиш муддатларини қисқартириш, қўл меҳнатини кам сарфлаш имкониятини беради. Корхона коллективи янги буюмларни чиқаришни белгиланган муддатидан ярим йил илгари ўзлаштириб олди.

ЎРДАК ГЎШТИ «ФАБРИКАСИ»

Самарқанд районида ўрдак етиштирувчи Ўрта Осиёда энг катта комплекснинг дастлабки объектлари қуриб битказилди. Кичик станция, сув босими минораси, электр линияси асфальтланган йўл шулар жумласидандир. Комплекс «Узгипросельстрой» институти Самарқанд филиалининг лойиҳасига мувофиқ барпо этилмоқда. Бу комплекс ҳар йили миллион парранда боқиб, 5 минг тонна гўшт етиштиришга мўлжалланган. Ўрдаклар моноблоклардан иборат кенг, ёруғ биноларда парвариш қилинади. Республика қишлоқ қурилиши министрлигига қарашли 15-трестнинг биринчи кўчма механизациялаштирилган колоннаси коллективи моноблоклардан биринчисини шу йил фойдаланишга топширишга сўз берди.

ЯНГИ ШИФОХОНА

Урганчдаги янги область стоматология поликлиникаси беморларни қабул қила бошлади. Рентген, операция, физиотерапия кабинетлари ва тиш қўйиш лабораториялари энг янги техника билан жиҳозланган. Муддатидан илгари қуриб битказилган шифохона ҳар куни 600 кишига хизмат қила олади.

(ЎзТАГ).

◆ ТЕЖАМКОРЛИК— ЯХШИ ХИСЛАТ

МАҲОРАТНИ ОШИРИБ

«Главташпассажавтотранс» бошқармасининг 2-маршрутли таксилар автотранспорти корхонаси коллективи ўртасида иқтисод ва тежамкорлик режимига катта аҳамият берилляпти. Беш йилликнинг учинчи йилининг дастлабки кунлариданоқ ҳар соҳада иқтисод учун кураш қизитиб юборилди. Бундай қимматли ташаббусни 9-маршрутда қатновчи А. Абдусаломов ва А. Ахроров бош бўлган бригадалар бошлаб беришди. Шу йилнинг ўтган беш ойи мобайнида бу маршрут коллективи 3 минг литр бензин тежаб қолди. Бошқа ҳайдовчилар ҳам бу машъаллардан намуна олишяпти.

Автокорхонанинг ҳар бир ҳайдовчиси ёқилғиларни тежаб-тергаб сарфлашга ўзининг асосий эътиборини қаратмоқда. Бунга улар ўзларининг маҳоратларини ошираётганликлари, транспортни усталик билан бошқаришлари, ишни бир маромда ташкил этишлари туфайли эришмоқдалар.

Ёқилғини иқтисод қилиб сарфлаш туфайли бу ерда шу йилнинг ўтган беш ойи мобайнида 8343 литр бензин тежалди.

Транспортчилар эришилган ютуқларни янада мустаҳкамлаб, ҳар соҳада иқтисод ва тежамкорлик режимини тағин ҳам кучайтирмоқдалар.

◆ ШАҲРИМ — ФАХРИМ

КЎЧАНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

Шаҳримизнинг Чилонзор массивида шу кунларда кўпгина ободончилик ишлари амалга оширилмоқда. «Гордорстройремонт» трестига қарашли 3-ремонт-қурилиш бошқармасининг йўлсозлари Чилонзордаги Бобир кўчаси қиёфасига гўзаллик бахш этишмоқда. Бу ерда меҳнат қилаётган бошқарманинг Чанжалис ва Вогас бошлиқ бригадалари йўлсозлари икки томонлама транспорт ҳаракати учун мўлжалланган кўчани асфальтлаш, йўл четларига тўсиқлар ўрнатиш ишларини амалга оширмоқдалар.

Айни пайтда кўча атрофидаги дов-дарахтларни сувга сероб қилиш учун бетон ариқлар ўрнатиш ишлари ҳам олиб борилмоқда.

Йўлсозлар муҳим аҳамиятга эга бўлган ушбу кўчани капитал ремонтдан чиқариш ишларини муддатидан илгари тугаллашга аҳд қилишган.

◆ ҚУРИЛИШ МАЙДОНИДА

ТЕАТР УЧУН БИНО

Тошкентнинг марказида, В. И. Ленин номли болалар паркида республика қўғирчоқ театрининг янги биносини қуришга киришилди. Бу бино «ТашНИИПгенплан» архитектура институтининг лойиҳасига биноан барпо этилмоқда. Томошалар иккита залда; 350 ўринли катта ва 100 ўринли кичик залда кўрсатилади. Театр фойеси рангли витражлар, мазаик суратлар билан безатилади. Бино олд томонидан қадимий қалъани эслатади.

◆ ПИОНЕР ЁЗИ

ФЕСТИВАЛЬ БОШЛАНДИ

БУГУН

Тошкент область касаба союзлари Совети ва область бадиий ҳаваскорлик уйининг ташаббуси билан ёзги пионер лагерларида Ленин комсомолининг 60 йиллик юбилейига бағишланган бадиий ҳаваскорлик ва техника ижодкорлиги фестивали бошланди.

Бу қизиқарли маданий тадбир Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ташкенткабель» заводи, тўқимачилик комбинати, каноп фабрикаси ва бошқа йирик корхоналарга қарашли пионер лагерларида қизғин бошланди.

Бўстонлиқ районидаги Оқтош, Хумсон қишлоқларининг сўлим бағрида жойлашган, шунингдек Тошкент денгизи, Паркент дам олиш зоналаридаги лагерларда болалар ижросида қувноқ музика садолари эшитилмоқда. Бу фестивални ўтказишдан мақсад дам олувчи болалар ўртасида ашула, рақс, чолғу ижрочилиги, хор, тасвирий санъат бўйича маҳоратни оширишдир.

Шу ойнинг охиригача давом этадиган ана шу фестиваль ғолиблари область бадиий ҳаваскорлик уйининг муносиб мукофотлари билан тақдирланадилар.

В. УСМОНОВА.

Пушкин кўчаси кейинги йилларда шаҳримизнинг энг кўркам ва обод кўчаларидан бири бўлиб қолди. Бу ерда янгидан-янги кўркам турар жой ва маъмурий бинолар қад кўтарди.

СУРАТДА: Пушкин кўчасида қад кўтарган янги турар жой бинолари комплекси.

Ҳ. Шодиев фотоси.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● Газеталарда СССР космонавт-учувчилари топшириғига биноан икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССРнинг космонавт-учувчиси П. Климукнинг «Космонавтлар—дала ва фермаларнинг гвардиячиларига» сарлавҳали хати эълон қилинган. Унда жумладан шундай дейилади:

«Ватанимизнинг барча меҳнаткашлари каби биз, Совет космонавтлари ҳам КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорларини зўр завқ-шавқ ва масъулият туйғуси билан қабул қилдик, ўртоқ Л. И. Брежневнинг «СССР қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тўғрисида»ги докладини чуқур ўрганиб чиқдик.

Биз космик тадқиқотларимизни мамлакат халқ хўжалиги манфаатлари йўлида, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада юксалтириш манфаатлари йўлида зўр ғайрат билан давом эттираверамиз.

Совет космонавтлари отряди коллективларни — деҳқончиликда, чорвачиликда, қишлоқ қурилишида, ем-хашак ишлаб чиқаришда мусобақа ғолибларини мукофотлаш учун Юрий Гагарин номидаги кўчма вимпелларни таъсис этишга қарор қилди. Бу вимпеллар ҳар бир республика, ўлка, областдаги ўрим-йиғим мавсумининг гвардиячиларига, далалар, фермалар, қурилишларнинг қаҳрамонларига ҳар йили топшириб турилади. Ю. Гагарин вимпелини қўлга киритган коллективлар Москвала Халқ Хўжалиги Ютуқлари выставкасида бўлган кунлари Звёздный шаҳарчасига бориб, СССР космонавт учувчилари билан суратга тушадилар».

телетайп лентасидан

⊙ БУХАРЕСТ. Руминиядаги Ковасна шаҳрида қурилган янги санатория комплекси даволанувчиларнинг дастлабки группасини қабул қилди. 500 кишига мўлжалланган бу санаторияда юрак-томир, асаб касалликларига ва бошқа касалликларга учраган беморлар даволанади. Ковасналинг иқлим шароити жуда яхши, у ерда 1,5 мингта минерал сув чашмалари бор.

⊙ ЛОНДОН. Англия билан Мальта ўртасидаги муносабатларда рўй берган танглик тобора кескинлашмоқда. Англиядаги «Санди телеграф» газетасининг хабарига қараганда, Мальта бош министри Д. Минтофф Британия қўшинларининг Мальтадаги базаларида жойлашган барча радиостанциялар ишини тўхтатиш тўғрисида буйруқ берган.

Буюк Британиянинг оммавий ахборот органларида шу мамлакат ҳақида ёлғон хабарлар тарқатиш авж олганлиги сабабли Англия журналистларининг Мальтага келиши тақиқланиб қўйилганидан сўнг радиостанциялар ишини тўхтатиш тўғрисида шундай буйруқ берилди. Бош министрнинг айтишига қараганда, Англиядаги газеталарнинг аксарияти Мальта территориясидаги инглиз ҳарбий базаларидан бундан буён фойдаланиш масаласида Мальтанинг позициясини бузиб кўрсатмоқда.

⊙ ВЕНА. Австрияда қимматчилик тез кучайиб бормоқда. Савдо, ҳунармандчилик ва саноат министрлиги озиқ-овқат молларининг асосий хиллари нархи янада оширилганлигини эълон қилди.

⊙ ВАШИНГТОН. Чет мамлакатларга қурол сотишни тўхтатиш сиёсати ўтказилади, деб эълон қилинганлигига қарамай, АҚШ маъмурияти бу йўлда амалий чоралар кўргани йўқ. Буни давлат департаментининг экспертлари, Ф. Фарли ва У. Льюис ўтказган тадқиқотлар тўғрисида бу ерда эълон қилинган маълумотлар кўрсатиб турибди. Бу йил АҚШ томонидан чет давлатларга сотиладиган ва етказиб бериладиган қурол-яроғлар ҳамда ҳарбий ускуналар ўтган йилдаги 13,2 миллиард ўрнига тахминан қарийб 15 миллиард долларни ташкил этади.

⊙ БАЙРУТ. Фаластин Озодлик ташкилотининг газетаси «Фаластин ассавра»да босилган шарҳларида айтилишича, Исроил билан олиб борилаётган сепарат музокараларнинг навбатдаги давраси олдидан Исроил эълон қилган янги таклифлар Фаластин халқини ҳамда унинг умидлари ва истакларини тугатишга қаратилган таклифлардир. Садатнинг бу сафарги плани Араб давлатлари ва ҳукуматлари бошлиқларининг Работдаги кенгашида 1974 йилда қабул қилинган резолюциядан расмий равишда воз кечишнинг ўзидир, деб ёзади газета. Мазкур резолюцияда Фаластин Озодлик ташкилоти фаластинлик араб халқининг бирдан-бир қонуний вакили деб эътироф қилинган эди. Садатнинг плани, деб ёзади газета, Фаластин Араб миллатини Исроилга қарам қилишдан иборат сионист — Америка стратегияси билан алоқадордир.

(ТАСС).

◎ БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

ШАРАФЛИ БУРЧ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг июль (1978 йил) Пленумида «СССР Қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тўғрисида» қилган докладида қишлоққа оталиқ ёрдами беришнинг ғоят катта роль ўйнашини алоҳида таъкидлаб ўтган эди. Пленум қарорларида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, пойтахтимиздаги В. И. Ленин номли электрон-техника заводи партия комитети корхона оталигидаги— Жиззах областининг Октябрь райони «Уч қаҳрамон» совхози меҳнаткашларига ёрдамни янада кучайтириш тадбирларини белгилади.

Қишлоқ механизатор кадрларига ёрдам тариқасида корхонадан ўттиз кишидан иборат составда малакали группа юборилди. Улар кўчма автоустахона билан таъминланган. Шунингдек, қишлоқ хўжалик техника воситалари учун кўплаб эҳтиёт қисмлар ва зарур деталлар ҳам юборилмоқда. Корхона коммунистлари эса қишлоққа оталиқ ёрдамини кучайтириш ишига бош-қош бўлмоқдалар.

●

МУҲИМ ЭЪТИБОР

«Ишлаб чиқаришни ривожлантиришни илмий ва инженерлик жиҳатдан юксак даражада таъминлашга интилиш—илмий ва инженер-техник ходимларнинг профессионал ва маънавий бурчидир, шон-шараф ишидир», — дейилади КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг 1978 йилда социалистик мусобақани авж олдириш ҳақидаги Мактубида. Агрегат заводи партия комитети корхонада янги техникани жорий этишнинг аҳволи ва уни янада жадаллаштириш масаласини муҳокама қилди. Партия комиссиясининг ана шу ҳақдаги ҳисоботини комиссия раиси Э. Тэн ўқиб эшиттирди. Унда айтилишича, корхонада бир қатор участкаларни механизациялаш ва автоматлаштириш муваффақиятли олиб борилди. Масалан, ўтган ярим йилликда иккита муҳим ишлаб чиқариш участкаси, 9 ва 10-цехларда янги техникани жорий этиш бўйича йирик тадбирлар амалга оширилди.

Шу каби тадбирлар натижасида беш йилликнинг ўтган икки ярим йили мобайнида корхонада планга қўшимча 905 минг сўмдан зиёд маҳсулот реализация қилинди.

Завод партия комитети техника тараққиётини янада жадаллаштириш юзасидан қабул қилган қарорида бу тадбирларнинг самарадорлик ва сифатни оширишда энг муҳим звенолардан бири сифатидаги роли алоҳида қайд этилди.

● Бинокорлар беш йиллик вахтасида

САМАРАДОРЛИК ЙЎЛИДАН

Тошкент уйсозлик комбинатининг ишчилари, инженер-техник ходимлари КПСС XXV съезди қарорларини изчил амалга ошириш, ўнинчи беш йилликнинг зарбдор учинчи йилини муваффақиятли якунлаш ва аҳолига қулай, бежирим турар жой бинолари қуриш мақсадида жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Бунга 17 бригадага бирлашган 1-пардоз ишлари бошқармаси бунёдкорлари ҳам ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Қўли гул бунёдкорлар москваликларнинг беш йилликнинг уч йили планини СССР Конституциясининг бир йиллигигача бажариш ҳақидаги ташаббусларини комбинат бошқармалари ичида биринчи бўлиб қўллаб-қувватладилар. Коммунистлар, комсомол-ёшлар бошчилик қилаётган бригадалар ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш эвазига беш йиллик планни 3.5 йилда бажариш юзасидан қимматли, аниқ таклифлар билан майдонга чиқдилар.

Қурилиш объектларида самарадорликка эришиш учун кураш бошланди. Бу борала С. Силкин бошлиқ бўёқчилар, В. Исломбоев бошлиқ пардозчилар бригадаларининг аъзолари москваликлар ташаббуси асосида ишлаб, меҳнатда қувончли натижаларга эришдилар. Илғор бригадаларнинг пардозловчилари бошлаб берган ташаббусларини кейинчалик 15 бригада қўллаб-қувватлади. Натижа ёмон бўлмади. Тошкентнинг 1, 2-Қорасув массивлари, Сергели шаҳарчаси, янги ташкил этилган «Шолохов» массивларидаги кўп қаватли биноларни пардозлаш ишлари кўтаринки руҳда, меҳнатда юксак унумдорликка эришган ҳолда бажарилди. Бинокорлик материалларини тежаб-тергаб ишлатиш, иш соатидан оқилона, рационал фойдаланиш эвазига планда белгиланганидан бир неча ўн минг сўмлик кўп иқтисодий фойда олинди.

В. Исломбоев бошчилигидаги бўёқчилар бригадаси аъзолари ўтган олти ойи ичида пландаги 96 минг ўрнига 120 минг сўмлик иш бажардилар. С. Силкин бригадаси бунёдкорлари эса шу кунларда беш йилликнинг тўртинчи йили ҳисобига меҳнат қилишмоқда.

Бошқарма бўёқчилари, дурадгорлари, сувоқчилари, безакчиларнинг юксак аҳдга яраша фидокорона ишлашлари натижасида ўтган олти ой ичида 2 миллион 410 минг сўмлик иш бажарилиб бу борадаги топшириқ 102 процентга адо этилди. Бошқарма социалистик мусобақада пешқадамлик қилгани учун Тошкент уйсозлик комбинатининг кўчма Қизил байроғи ва 1000 сўм пул мукофоти билан тақдирланди.

Қўлга киритилаётган муваффақиятда «Ҳурмат белгиси» ордени кавалери Ш. Евченко, Ю. Данаев, А. Абдураҳмонов, Б. Шахматов, И. Матёқубов каби бунёдкорларнинг ҳиссалари катта бўлди.

Шу кунларда бошқарма қурувчилари, инженер-техник ходимлари йил охиригача 156 минг квадрат метр ҳажмдаги турар жой, маданий маиший биноларга жило бериб, йиллик планни муддатидан илгари бажариш учун иш вақтидан унумли фойдаланишиб, кунлик топшириқларини ошириб адо этишга муваффақ бўлишмоқда.

Ю. ИБРОҲИМОВ,
Х. ШАРИПОВ.

ЙИЛЛИК ПЛАН—МУДДАТИДАН ИЛГАРИ
● МАЖБУРИЯТЛАР ИЗИДАН

Ленин, Фрунзе ва Сергели районлари мусобақаси

УЧ ЙИЛЛИК ПЛАН— СССР КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИГАЧА

Умумхалқ байрами — СССР Конституциясининг бир йиллиги яқинлашиб келяпти. Кўпгина меҳнат коллективлари бу шонли санани муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа бошлашди.

Социалистик мусобақа қизгин тус олганлигидан йилнинг биринчи ярмида планларнинг бажарилиш якуни гувоҳлик беради. Уч мусобақадош районларнинг ишчи коллективлари планга қўшимча 8.8 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот бердилар. Бу социалистик мажбуриятларда белгиланган буюмлар ишлаб чиқариш ҳажмидан анча ортиқ.

Қурилиш материаллари тажриба-механика, марказий пахтачилик саноати илмий-тадқиқот институти экспериментал заводи, «Узбеккинодеталь» заводи, электр ускуналарни ремонтлаш ва созлаш корхонаси, Модалар уйи, Октябрь революциясининг 50 йиллиги номли тикувчилик бирлашмаси ва бошқа корхоналар маҳсулот ишлаб чиқаришда графикдан 1-3 ҳафта илгарилиб кетишди.

Сергели районининг корхоналари ва ташкилотларида СССР Конституцияси кунини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа кенг қулоч ёйди. Бу ерда қуёш тўсқич мосламалар заводи, граждан авиацияси ремонт-механика заводи, авиакорхона, учинчи автокомбинат, «Узпромвентиляция» монтаж бошқармаси ва бошқа корхоналар умумхалқ байрамини беш йилликнинг уч йили топшириғини муддатидан илгари бажариш билан кутиб олишга аҳд қилганликларини изҳор этдилар. Сергели район партия комитети маъқуллаган бу қимматли ташаббус районда кенг қулоч ёйди. Эндиликда 30 цех, 12 участка, 58 бригада, 1600 ишчи 1976—78 йиллар топшириғини 7 октябрга адо этишга аҳд қилиб, мусобақанинг чинакам маёқлари бўлишди, зўр меҳнатсеварлик, юксак ижодий активлик намунасини кўрсатишди.

Ленин районидаги Анвар Муҳамедов, Владимир Кувшинников, Зинаида Лебедева, Валентина Лошак, Валентина Свиридова каби ўнлаб ишчилар беш йиллик шахсий топшириғини муддатидан илгари бажариб, ҳозир 1981 йил ҳисобига меҳнат қилишяпти. Бу мусобақа пешқадамларининг шижоатли меҳнати ёнма-ён ишлаётган ҳамкасбларини ҳам янги меҳнат зафарлари сари илҳомлантиряпти.

Уларнинг илҳомбахш меҳнати зўр таассурот қолдиради, кўпчиликни меҳнат беллашувида янги зафарларга илҳомлантиради. Мусобақа пешқадамлари қўлга киритган юксак марраларга етиш учун интилаётган 22 участка, 7 бригада коллективи ҳозир «Беш йилликнинг учинчи йилида — зарбдор меҳнат!» шиорини ўртага ташлаб, социалистик мажбуриятларнинг биринчи бандига «1976—78 йиллар плани —7 октябрга қадар» деб ёзиб қўйишди.

Фрунзе райони меҳнат коллективларида ҳам умумхалқ байрамини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа авж оляпти. Мана бунинг натижаси: бу ерда биринчи ярим йил топшириғи муддатидан илгари адо этилди, топшириққа қўшимча бир ярим миллион киловатт-соат электр қуввати ишлаб чиқарилди. 1 миллион сўмлик технологик ускуналар ва тўқимачилик саноати учун эҳтиёт қисмлар, 4 минг квадрат метр кошин, ўн тонна пахта толаси, 25 минг жуфт пойафзал ва бошқа буюмлар тайёрланди.

Мусобақада қурилиш материаллари комбинати, пахтачилик саноати марказий илмий-тадқиқот институтининг экспериментал-механика заводи, «Қизил тўқимачи» темир йўл станцияси, Пардозлаш трестининг 28-қурилиш бошқармаси, 60 бригада, 13 цех, 9 участка намуна бўлишяпти. Улар Совет Конституцияси куни арафасида 1979 йил ҳисобига ишлай бошлашади.

Ҳозирги вазифа бу юксак меҳнат интилишини мустаҳкамлашдан, муваффақиятларни кўпайтиришдан, зарбдор меҳнат эстафетасини юқори кўтариб боришдан иборат. Умумхалқ байрамини янги ютуқлар билан кутиб олиш учун оммавий интилиш белгиланган план ва мажбуриятларни муддатидан илгари бажариш учун қулай шарт-шароитлар юзага келтиради.

Шуни унутмаслик керакки, шу йилнинг уч квартали планларини бажариш якунлари йил ва беш йилликни муваффақиятли якунлашда муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам олдинда бораётганлар тажрибаси барча ишлаб чиқариш коллективлари мулки бўлиши, беш йилликнинг асосий вазифаси, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва меҳнат сифатини ҳар томонлама оширишга ёрдам бериши муҳимдир.

Бироқ ҳамма корхоналарда ҳам илғор тажрибани ривожлантиришга, мавжуд резервлардан фойдаланишга, ҳар бир иш жойида меҳнатни аниқ ташкил этишга дуруст эътибор бериляпти деб бўлмайди. Жумладан, биринчи ярим йилликда Фрунзе районида тўқимачилик комбинати, биринчи ёғочни қайта ишлаш, пластмасса буюмлари ва рўзғор химияси заводлари асосий техник-иқтисодий кўрсаткичларнинг пасайиб кетишига йўл қўйдилар. «Таштекстильмаш» заводи кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш планини уддалай олмади.

Жумладан, Сергели райони корхоналарида 700 ишчи топшириқни уддалай олмади. Тепловоз ремонт заводида беш цех, «Средазэлектроаппарат» бирлашмасида 3 цех, электрон техника заводида 2 цех қолоқлар қаторига ўтиб қолди.

Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатяптики, фақат Ленин райони корхоналарида фондлар самарадорлигини бир тийинга ошириш қўшимча 900 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш учун курашни кучайтириш тўғрисидаги Мактубида ҳар бир иш жойида, ҳар бир корхонада ишнинг бир маромда бўлишини таъминлаш, шу асосда 1978 йил давлат планлари ва социалистик мажбуриятларини бажариш қайд этилган. Ишлаб чиқаришнинг барча участкаларида меҳнат ва план интизомини мустаҳкамлаш, меҳнат унумдорлигини янада юксалтириш, СССР Конституцияси кунини муносиб кутиб олиш ишчи коллективларининг бурчидир.

Корхоналар ва ташкилотларнинг 1978 йилнинг биринчи ярмидаги хўжалик-иқтисодий фаолиятининг асосий кўрсаткичлари, мусобақа якунлари	Ленин райони		Фрунзе райони		Сергели райони	
	Мажбуриятда кўзда тутилгани	Аслида	Мажбуриятда кўзда тутилгани	Аслида	Мажбуриятда кўзда тутилгани	Аслида
Маҳсулот реализацияси бўйича планнинг бажарилиши [процентларда]		102,9			101,6	102,6
Планга қўшимча реализация қилинган маҳсулот [минг сўм ҳисобида]	3,708	4406	2,502	2631	1750	1825
Ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг ўсиш суръати [процентларда]		108,9		102,0		106,0
Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръати [процентларда]		108,5		104,3		102,9
Меҳнат унумдорлигини ўстириш ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши [процентларда]	90,0	100,0		100,0		100,0
Маданий-маиший буюмлар ишлаб чиқарилди [процентларда]	102.2			101,9		100,7
Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан маданий-маиший буюмлар ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати [процентларда]		107,3		109,5		103,4
Янги ишланган ва ўзлаштирилган буюмлар, моделлар, фасонлар [миқдори]	80	83	90	110		27
Сифат белгисига аттестациядан ўтказишга тақдим этилди [миқдори].	10	16	3	7	3	3
Реализация қилинган маҳсулотнинг умумий ҳажмида Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилган ва реализация қилинган буюмлар [процентларда]	17,5	19,5	9,2	8,4	1,0	1,1
Тежаб қолинди:						
қора ва рангли металлар [тонна]	750	820	900	925	400	440
ёнилғи [тонна]	1375	1400	1000	1085	800	1000
электр қуввати [минг киловатт-соат]	2000	2200	1900	2120	1000	1200
Янги ўрнатилган ускуналар (миқдори)	300	360	250	270	15	15
Шу йилнинг январь-май ойларида фойдаланишга топширилган турар жой майдони [минг кв. метр]	7,7	7,7	—	—	12,8	13,1
Н. Злобиннинг бригада пудрати методи бўйича ишлаётган бригадалар [миқдори]	85	89	28	26	27	27
Қишлоққа оталик ёрдами [минг сўм ҳисобида]	150	169	420	650	120	125
«Қолоқларсиз, сифатли ишлаймиз» шиори остида ишлаётган корхоналар [миқдори].	18	18	18	18	16	16
— цехлар	123	119	136	140	18	18
— участкалар	271	264	60	67	50	51
— бригадалар	857	843	980	1.070	220	226
— меҳнат илғорлари	26,000	26.000	14.200	14500	2700	2700
«Бир беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажарамиз» шиори остида мусобақалашаётганлар [одамлар миқдори].	27	33	80	82	30	32
Беш йилликнинг уч йили топшириғи — СССР Конституцияси кунигача:						
— корхоналар [миқдори]	1	1	4	4	6	6
— цехлар	22	22	12	13	30	30
— участкалар	7	7	8	9	12	12
— бригадалар	95	95	58	60	58	58
— ишлаб чиқариш илғорлари	4400	4.900	8.500	8.650	1600	1600

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ХАБАР МУХБИРЛАРИ ҚИЛАДИЛАР

УЛКАН МАРРА

БУДАПЕШТ. Венгрия заводлари ва фабрикаларида шу йилнинг дастлабки 6 ойи якунлари тўпланмоқда, бундан буёнги даврда қилинадиган вазифалар мўлжалланмоқда. Будапешт меҳнатчиларининг ташаббуси билан бутун мамлакатда авж олиб кетган социалистик мусобақа кўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим омилидир.

Дунайварош металлурглари олган мажбуриятларини муваффақиятли бажардилар. Бу заводда ярим йил ичида жами 5,9 миллиард форинтлик турли маҳсулот ишлаб чиқарилди, шу жумладан пландан ташқари 25 минг тоннадан кўпроқ чўян, пўлат ва прокат тайёрлаб берилди. Ўтган йилдагига нисбатан маҳсулотнинг миқдоригина кўпайиб қолмасдан, шу билан бирга сифати ҳам яхшиланди: чўяннинг 92 проценти биринчи навли чўяндан иборат бўлди.

ЭЛЕКТРОН - ҲИСОБЛАШ МАШИНАСИ

СОФИЯ. Болгария Коммунистик партиясининг Старо- —Загорск округ комитети электрон-ҳисоблаш машинасидан фойдаланиш асосида округда ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштиришнинг иш программасини тасдиқлади. Старо — Загорскдаги эслаб қолувчи аппаратлар заводида деталлар ишлаб чиқариш тўла равишда автоматлаштирилган цех қурилади. Бу республикада биринчи мана шундай цех бўлади. Шу йилнинг охирида «Берое» заводида саноат роботлари ва манипуляторлар ёрдамида ишлайдиган автомат-технология линияси ишга туширилади. Яна шу корхонанинг ўзида металл қирқиш станокларига хизмат кўрсатадиган иккита роботни ишга солиш мўлжалланмоқда.

СССР ва ЧССРнинг бир группа илмий ходимлари нейро-физиология соҳасида ҳамкорликда илмий-тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар.

СУРАТДА: (чапдан-ўнгга) СССР Фанлар академияси мухбир аъзоси А. И. Ройтбак, Прага физиология институти директори Ярослав Виклицкий ва лаборант Ева Сукова илмий иш жараёнида.

ЧТК—ТАСС фотоси.

КЕНГ УФҚЛАР

ГАВАНА. Куба Коммунистик партияси ва ҳукумати юқори малакали мутахассисларнинг миллий кадрларини тайёрлаш масаласига катта эътибор бермоқдалар. Социализм қуриш йўлидан бораётган, кўп тармоқли хўжаликни тез ривожлантираётган республикага қурувчилар, металлурглар, машинасозлар, агрономлар, чорвадорлар, педагоглар, врачлар керак. Кубадаги олий ўқув юртларини ва техникумларни ҳар йил битириб чиқаётган мутахассислар заводларга ва фабрикаларга, қишлоқ хўжалик бирлашмаларига ва илмий лабораторияларга юборилмоқда.

ВАТАНПАРВАРЛИК ТАРБИЯСИ МАКТАБИ

ВАРШАВА. Польша революцион ҳаракати музейи ўзининг йигирма йиллигини нишонлади. Шу йиллар ичида у мамлакатда революцион ҳаракатнинг туғилиши ва ривожланишига доир, ўз умрини меҳнаткашларни социал озод қилишга бағишлаган атоқли революционерлар ҳақида жуда кўп қимматли ҳужжатлар ва материаллар тўплади. Музейда кўргазмага қўйилган бу материаллар шу музейга келаётганларнинг ўз мамлакати тарихини ҳамда социалистик ғоялар тантанаси учун поляк халқининг энг яхши намояндалари қандай қурбонлар берганлигини тушуниб олишига ёрдам беради. Музейда кўргазмага қўйилган материаллар орасида рус ва поляк коммунистларининг чоризмга ва манфур буржуа тузумига қарши биргаликда олиб борган курашини яққол кўрсатувчи ҳужжатлар ҳам кўп.

Музей поляк ёшлари учун ғоявий ва ватанпарварлик тарбияси мактаби бўлиб қолди.

БИРЛИККА ДАЪВАТ

БАЙРУТ. Ливан президенти И. Саркис истеъфо бериши тўғрисидаги ўзининг аризасини қайтариб олишга қарор қилди. У телевидение орқали миллатга мурожаат қилиб, можарода қатнашаётган томонларнинг ҳаммаси қонуний ҳокимиятни ҳурматлаб унга итоат қилсалар, шу шарт билан президентлик лавозимида қоламан, деб таъкидлади. И. Саркис Ливан хатарли тангликни бошидан кечираётганлигини айтиб, юз минглаб кишилар қуролни қўлдан қўймас эканлар, зўравонлик давлат хавфсизлигига таҳдид қила беради, деб уқтириб ўтди.

ФАН ВА ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

ПРАГА. Чехословакиянинг Пльзен шаҳридаги машҳур «Шкода» электровозсозлик заводи мутахассислари 4 минг киловатт қувватли электровознинг янги моделини яратдилар. Бу электровозларнинг дастлабки туркуми Прага— Кошице темирйўлида ишлай бошлайди. Шу корхона қурилганидан бери ўтган ярим аср ичида ҳаммаси бўлиб 3600 дан кўпроқ турли локомотивлар ишлаб чиқарди. Шуларнинг 1500 тадан кўпроғи Совет Иттифоқида ишлатилмоқда. Ҳозирги беш йилликнинг охиригача Чехословакиядан СССРга яна 225 та электровоз етказиб берилади.

* * *

УЛАН-БАТОР. Улан-Батор чорвачилик илмий-тадқиқот институтининг олимлари қўйларнинг майин жунли янги зотини етиштирдилар ва унга «хангай» деб ном бердилар. Хангай зотидан бўлган майин жунли қўйлар мамлакатнинг табиий иқлим шароитига мосланганлиги билан фарқ қилади, чет эллардаги мана шу хилдаги энг яхши қўйларга қараганда 10 процент кўп жун беради. Ҳар бир қўчқордан ўрта ҳисобда 7,4 килограмм жун қирқиб олинмоқда. Бу хил қўчқорларнинг тирик вазни 85 килограммга етади.

* * *

ВАШИНГТОН. Америка— Австралия экспедицияси Антарктикада тарихдан бурунги жониворларнинг жуда кўп қолдиқларини топишди. Бу жониворлар яшаган давр бундан 230 миллион йил муқаддам бошланган ва 35 миллион йил давом этган. Топилдиқлар орасида скелетлари бут-бутун сақланиб қолган шундай жонивор борки, улар ерда-сувда ва судралиб юрадиган ҳолатдан сут эмизувчилар туркумига ўтиш эволюцияси босқичини ўтказганлар, яъни инсон пайдо бўлмасдан бир неча юз миллион йил муқаддам ва биринчи динозаврлардан анча илгари яшаганлар.

Шу нарса диққатга сазовордирки, жониворларнинг топилган қолдиқларидан баъзилари бир-биридан узоқда бўлган Ҳиндистон, Австралия ва Африкада топилган жониворларнинг қолдиқларига ўхшайди. Олимларнинг фикрича, бу факт узоқ ўтмишда территория бўлган барча қитъалар яхлит деган назарияни исботлайди.

МАКРЛИ РЕЖА

БАЙРУТ. Ливандаги «Ас сафир» газетаси бундай деб ёзади: Қўшма Штатлар Яқин Шарқдаги тангликнинг чинакам бартараф қилинишидан манфаатдор эмас. Бу регионда АҚШнинг асосий мақсади шуки, у «сулҳ» тўғрисида Америка— Исроил таклифини араб мамлакатларига зўрлаб қабул қилдирмоқчи.

◆ ВАҚТДАН ЎЗГАНЛАР

МЕҲНАТДА ПЕШҚАДАМЛАР

Ворошилов номидаги Меҳнат Қизил Байроқ ва Октябрь революцияси орденли «Ташсельмаш» заводи 8-қуюв цехининг зарбдор ишчиларидан Сабри Нуриев ва Дония Галиуллиналар мунтазам равишда ишлаб чиқариш ойлик нормаларини 120—130 процент адо этишади. Бу ишчилар корхона меҳнат аҳли ўртасида ой сайин кенг қулоч ёзаётган беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш умумхалқ мусобақасида фаол қатнашиб, сидқидиллик билан меҳнат қилишяптилар.

СУРАТДА: (чапдан-ўнгга) Д. Галиуллина ва С. Нуриевлар қишлоқ хўжалик машиналари учун алюминдан тайёрланган деталларни кўздан кечиришмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИДА БОСИЛГАНДАН КЕЙИН

«СУВ ТЕКИН ЭМАС»

5 май сонида юқоридаги сарлавҳа остида босилган материалда айрим кўчаларда водопровод суви бекордан-бекорга оқиб ётиши танқид қилинган эди.

«Водоканал» тресги водопровод тармоқлари бошқармаси бу борада тадбирлар белгиланганини, назоратни сусайтирган мутасадди шахсларга нисбатан чора кўрилганини маълум қилди.

«БУ — НОИНСОФЛИК - КУ!»

Шундай сарлавҳа остида 5 майда босилган материалда 72-маршрут бўйича қатновчи айрим такси шофёрлари молия тартибини бузаётганлари танқид қилинган эди.

«Главташпассавтотранс»дан олинган жавобда бу масалада чора кўрилган, шофёр Иброҳимовга қаттиқ виговор ва шофёр Ҳайдаровга виговор эълон қилингани хабар этилган.

«ҲАҚЛИ ЭЪТИРОЗ»

Газетанинг 16 май сонида юқоридаги сарлавҳали материалда метронинг «Пахтакор» станцияси атрофидаги тартибсизликлар танқид қилинган эди.

Октябрь район ижроия комитетидан олинган жавобда кўрсатилишича, қурилиш чиқитлари, темир-терсаклар олиб кетилган, йўл ва йўлка ремонтдан чиқарилган.

◎ ХАТ БОСИЛМАДИ, АММО ЧОРА КЎРИЛДИ

ВИГОВОР БЕРИЛДИ

Редакцияга келган хатлардан бирида 3-троллейбус депосининг ҳайдовчиси Я. Сафиннинг йўловчилар билан ножўя муомаласи устидан шикоят қилинган эди.

Тошкент трамвай-троллейбус бошқармасидан олинган жавобда Сафиннинг хулқи муҳокама этилгани, унга виговор берилгани маълум қилинган.

ТО СПРАВКАЛАР БЮРОСИ

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Р. ЖУМАНОВ, М. ҚЎЧҚОРОВ: Биз институтга ҳужжатларимизни топширмоқчи эдик. Лекин институтнинг ҳужжатларни қабул қилиш комиссиясидагилар меҳнат дафтарчамиз нусхаси ишхона томонидан тасдиқланиб нотариус орқали тасдиқланмаганлиги учун қабул қилишмади. Уларнинг шу иши тўғрими?

Жавоб: Йўқ, тўғри эмас. Ҳар бир институтга кирувчи абитуриент илгари ишлаган бўлса меҳнат дафтарчасидан кўчирма олиб уни ишлаган жойидаги кадрлар бўлимидан тасдиқлатиши керак. Бу тасдиқлаш нотариус тасдиғи ҳисобига киради ва ҳужжатлар сўзсиз қабул қилиниши лозим.

* * *

И. МУХАММАДРАСУЛОВ: Шаҳримизда туристик бюро бор. Шу ерда путёвкалар нақд пулга сотилади. Биз Улуғ Ватан уруши инвалидлари учун шу путёвкаларни олиш учун қандай имтиёзли шартлар бор?

Жавоб: Бизга шаҳар социал таъминот бўлимидан маълум қилишларича путёвкалар бошқа ташкилотлардан нақд пул ўтказиш йўли билан олинмайди. Улуғ Ватан уруши инвалидлари олдиндан берган аризаларига кўра бўлим томонидан бир йилда бир марта путёвка олишга ҳақлидирлар.

* * *

М. СОБИРОВА, Т. ОДИЛОВА: Бизга «Тўй бюроси»нинг адресини берсангиз.

Жавоб: Правда Востока кўчаси, 10-уйда тўй бюроси жойлашган. Ҳар бир ҳамшаҳримиз тўй маросимни ўтказишидан йигирма кун олдин бу ерга учрашиши ва хонандалар билан бирга давраии олиб борувчи ва интермедия айтувчиларни таклиф қилишлари мумкин. Справкалар учун 33-90-17 телефонига қўнғироқ қилинг.

* * *

А. РАЖАБОВ: Яқинда кўзойнагимни синдириб қўйдим. Шуни қаерда тузатсам бўлади?

Жавоб: Бунинг учун Сиз шаҳримиздаги ўндан ортиқ кўзойнак тузатадиган магазинларга мурожаат қилишингиз мумкин. Қуйида биз уларнинг баъзиларининг адресини берамиз. Усмон Юсупов кўчаси бошланишида. Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспекти охирида ва Навоий кўчасидаги ярмаркада.

* * *

М. БОБОЕВА: Тилла буюмларни сотиб олувчи магазинлар борми?

Жавоб: Бундай магазинлар шаҳримизда иккита. Бири Шевченко кўчаси, 31-уйга жойлашган бўлиб вокзал яқинида. иккинчиси Куйбишев кўчаси 5-уйга жойлашган бўлиб Революция хиёбони атрофида.

КЎЧА ТАСОДИФЛАРГА ТЎЛА

ГАИ АХБОРОТИ

Санитария техникаси ускуналари заводининг ишчилари якшанба куни дам олишни қувноқ ўтказишди. Уларни дам олишга олиб борган ҳайдовчи Раис Раҳматович Давлетшин машинадан тушиши билан винога ружу қўйганлигини ҳеч ким пайқамай қолди.

У соат 21 дан 30 минут ўтганда Тошкент ҳалқа йўлида машинани сезгирлик билан бошқара олмади ва ГАЗ—66 автомашинасига олиб бориб урди. Тўқнашув натижасида автобус ҳайдовчиси ва унинг укаси Р. Давлетшин жароҳатланди.

Р. Давлетшин пачақланган иккита автомашинани қайта тиклашга мажбур бўлди. Давлат автомобиль инспекциясининг маъмурий комиссияси қарори билан икки йил муддатга ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум этилди ва 20 сўм жарима пули тўлади.

САЛОМАТЛИК ҲАҚИДА СУҲБАТЛАР

Ҳурматли редакция! Ёз фасли яхши ҳавоси, ноз-неъматлари билан кишиларни хушнуд этади, лекин бу фаслда юқумли касалликлар хуруж қилиши, тозаликка риоя қилмаганда турли кўнгилсиз воқеалар юз бериши мумкин. Юқумли касалликларга чалинмаслик учун ёзда санитария-гигиена қоидаларига қандай риоя қилиш керак? Савдо ва медицина ходимлари нималарга аҳамият беришлари керак? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Д. ҒУЛОМОВА, Ш. ОТАБОЕВА,
С. ЎТАНОВА савдо ходимлари.

• Шифокор қабулида

ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКДАН САҚЛАНИШ ТАДБИРЛАРИ

Дарҳақиқат ёз фаслида турли юқумли хасталиклар хуруж қилиши, санитария-гигиена қоидаларига амал қилмаганда кўнгилсиз воқеалар юз бериши мумкин.

Юқумли ичак касалликларидан сақланишнинг бирдан-бир чораси унга қарши профилактика ишларини олиб бориш керак. Бунинг учун касаллик манбаини йўқотиш одамларни касаллик ташувчидан эҳтиёт қилиш зарур. Юқумли касаллиги бор беморни алоҳида жойда даволаш чорасини кўриш шарт.

Касалликни вақтида аниқлаш ва даволаш меъда-ичак касалликлари тарқалишининг олдини олишда катта аҳамиятга эга. Юқумли ичак касалликларига қарши курашда уларни профилактика қилиш катта роль ўйнайди. Ичак касалликларини профилактика қилиш — врачлар ишлаб чиққан овқатланишнинг қатъий нормаларига ва санитария-гигиена қоидаларига амал қилишдир. Ифлосланган жойлар, йиғилиб қолган овқат қолдиқлари, кўлмак сувлар, микробларнинг тез ривожланиб кетишига олиб келади. Ичак инфекцияси микроблари (дизентерия, ич терлама, паратиф ва ҳоказолар) кўпаяр экан, сувга, озиқ-овқат маҳсулотларига ва улар билан бирга соғлом одам организмига тушиши мумкин. Шунинг учун оилада, жамоат жойларида, ишхонада санитария-гигиена қоидаларига риоя қилиб юқумли ичак касалликларининг олдини олиш мумкин.

Қўл ва тирноқларни тоза тутиш, овқатланиш олдидан албатта қўлни ювиш, тирноғини кемириб юрадиган болаларни бундай зарарли одатлардан қайтариш керак. Сабзавот ва меваларни ейишдан олдин албатта чайиш зарур. Овқат тайёрланадиган идишни қайноқ сув билан ювиш, сутни албатта қайнатиш ва салқин жойда сақлаш лозим. Пашшани қириш керак, чунки у ичак инфекцияларининг барча қўзғатувчиларини ташиб юради.

Ҳовли ва турар жойларни ўз вақтида зарарсизлантириш, барча чиқинди ва ифлос нарсаларни йўқотиш, ҳамма жойни доимо озода сақлаш зарур.

Ўткир ичак касалликларини профилактика қилиш озиқ-овқат, савдо объектларининг санитария ҳолатига, шунингдек хизмат қилаётган ходимларнинг саломатлигига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Бу муассаса ходимлари озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлашда санитария талабларига мувофиқ қўлларини 0.2 процентли хлорамин эритмасида ювишлари лозим.

Озиқ-овқат маҳсулотларини ёпиқ шкафда ёки холодильникда сақлаш жуда муҳим. Хом гўшт, балиқ ва сабзавотларни бошқа маҳсулотлардан махсус алоҳида тоғорачаларда, кастрюлкада, оғзи ёпилган ҳолда сақлаш лозим. Озиқ-овқат маҳсулотлари сифатининг яхши бўлиши уларни сақлаш ва ташиш шароитларига боғлиқ, демак бу маҳсулотларни истеъмол қиладиган кишиларнинг саломатлиги ҳам шунга боғлиқ бўлади. Озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қиладиган корхоналарда озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш учун махсус омборхоналар ажратилган бўлади. Бу омборхоналар майдони озиқ-овқат маҳсулотларини группалар ва турларга қараб сақлаш учун етарли бўлиши керак. Деворлар мойли бўёқ билан бўялади ёки ювиб, тозалаш осон бўлсин учун кошинлар билан қопланади. Омборхоналарни тоза тутиш ва мунтазам равишда шамоллатиб туриш, бу ерга етарлича ёруғ, электр чироқлари ўтказилган бўлиши керак.

Маҳсулотларни маълум ҳароратда сақлаш шарт. Тез бузилиб қоладиган маҳсулотлар (гўшт), сут, қатиқ маҳсулотлари, парранда гўшти, қайнатиб пиширилган колбаса, сосискалар, сарделькалар, балиқ, ярим фабрикатлар) холодильникда сақланади. Маҳсулотларнинг сақланишида чанг, бошқа ифлос нарсалар тушмаслиги жуда муҳим. Нонни шкафларда ёки парда тутиб қўйилган жавонларда сақлаш лозим. Нонни деразалари очиқ хоналарда сақлаб бўлмайди, чунки у тез қотиб қолади. Гўшт, балиқ, гастроном маҳсулотларини яхшиси холодильникнинг айрим камерасида сақлаган маъқул.

Холодильник камераларига гўшт осиб қўйиб сақланади, шунда у бир-бирига ва камера полига тегмай туради. Сақлаш муддати 2-5 суткадан ошмаслиги керак. Балиқни минус —2—12 даражада камида 3 сутка сақлаш мумкин. Музлатилган балиқни 3—7 кунгача сақласа бўлади. Тухумни 0+2 даражагача ҳароратда камида 10 кун сақлаш мумкин.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати уларни ташиш ва сақлаш шароитларига боғлиқ бўлади. Транспорт ёпиқ бўлиши, кузови ичидан руҳ, югуртирилган тунука билан қопланган бўлиши керак.

Тез бузиладиган маҳсулотларни ташишда бир қатор қоидаларга амал қилиш: уларни транспортда музлатилган ҳолатда ташиш, ошхоналардан тайёр таомларни савдо ташкилотларига жуда қисқа муддатда ташиб олиш лозим.

Озиқ-овқат маҳсулотларига микробларнинг тушиши ва кўпайишининг олдини олишдаги умумий чораларда сотувчининг шахсий гигиенаси, маҳсулотларни сақлаш муддатлари ва уларни тарқатиш, сотиш қоидаларига амал қилиш катта аҳамиятга эга. Сотувчи ҳар ойда санитария-эпидемиология хизмати томонидан белгиланган медицина текширувидан ўтиши керак.

Ҳозирги пайтда совет кишиларининг саломатлигини сақлашда медицина ходимлари катта ишлар олиб боришмоқда. Бироқ бу ишда аҳоли кенг оммаси иштирок этмаса, юқумли касалликларни профилактика қилишда яхши натижаларга эришиб бўлмайди. Бу йўлда Қизил Ярим Ой жамияти аъзолари катта иш олиб борадилар.

Санэпидстанция ходимлари томонидан тайёрланган санитария активлари ошхоналар ва озиқ-овқат магазинларининг санитария ҳолатини текширар эканлар, хизмат қилаётган ходимлар медицина текширувидан ўз вақтида ўтаётганларини кузатиб турадилар. Санитария активистлари даволаш-профилактика муассасаларининг медицина ходимларига гражданларнинг тиф, паратифоз касалликлар ва дизентерияга қарши профилактик эмлашларга вақтида келишларини ташкил қилишда ёрдам беришлари керак.

Носир ҚОСИМОВ,

медицина фанлари кандидати.

• *Сўраган экансиз...*

ГАЗЕТХОН САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ

Ш. МУРОДОВ: Баъзан эрталаб турган чоғда оғиздан нохуш ҳид келади. Бунинг сабаби нимада? У ҳам бирор касаллик туфайли юз берадими? Шулар ҳақида маълумот берсангиз.

Жавоб: Чиндан ҳам баъзи кишиларнинг эрталаб уйқудан тургач, (кўпинча тишини тозаламай ёки оғзини чаймай ётган бўлса) оғзидан ёқимсиз ҳид келади. Оғиздаги овқат қолдиқлари ёки шилимшиқлар сўлакнинг парчаланиши натижасида оғиз шу тариқа ҳидланади. Аммо тиш тозалаш ва оғиз чайиш ҳамиша фойда беравермайди. Ҳалқум муртакларининг чуқурчаларида йиринг ва парчаланиш маҳсуллари сақланиб турар экан, бундай нохуш ҳиддан сақланиш бирмунча мураккабдир. Бундай кезларда одам оғзида аччиқ маза сезади. бурун-ҳалқумидан эса нохуш ҳид келади. Шу муносабат билан оғиз ва томоқни тез-тез чайиб туришга, баъзан эса муртак (бодом) безларини олиб ташлашга тўғри келади.

Чириган тишлар ёки уларнинг илдизлари даволанмаганда ёки милк сурункасига яллиғланганда ҳам оғиз ҳидланиши мумкин. Оғизга қараб турилмаганда, овқатда витаминлар (айниқса С витамини) етишмаганда, подагра, диабет касалликларида ҳам шундай нохушликлар келиб чиқиши мумкин. Оғиз тоза тутилмаганда, тишда тош пайдо бўлганда, сунъий тиш (протез) тозалаб ювиб турилмаганда, тиш кавак бўлиб пломба қўйдирилмаганда милк яллиғланиши мумкин. Оғиз шиллиқ пардаси яллиғланганда, айниқса яра бўлганда, (стоматит) ҳам оғиз ҳидланади.

Бронхлар ва ўпка касалланганда (абцесс, сассиқ бронхит, бронхоэктазияда) ҳам оғиздан нохуш ҳид келади. Меъдадаги чириш процесслари кучайганда, баъзан эса меъда ширасида хлорид кислота бўлмаганда ҳам оғиз ҳидланиши мумкин.

Хуллас, оғиз ҳидланиши кўпинча тиш, оғиз ва томоқ касаллигига алоқадор бўлади. Модомики, шундай экан, оғиз ҳидланганда аввало тиш врачига ёки оториноларингологга мурожаат қилиш керак. Тиш ва протезларни ҳар куни тозалаш, тиш тошини йилига камида икки марта олдириш, чириган тишни ўз вақтида даволатиб пломбалатиш, милкнинг қонашига барҳам бериш керак. Ана шу тадбирлар амалга оширилганда кўзланган мақсадга эришиш мумкин бўлади.

* * *

А. МАТКАРИМОВ, Б. МУХТОРОВ: Кишиларга ҳуснбузар, хусусан қора ҳуснбузар тошиши ҳам бирор хасталик белгисими? Шу ҳақда бирор маълумот берилса, айни муддао бўлур эди.

Жавоб: Ёғ безлари функцияси бузилиб, яллиғланиши ҳуснбузар тошишига асосий сабаб бўлади. Ички секреция безлари функцияси бузилганда ҳам ҳуснбузар тошади. Бу ерда шуни айтиш керакки, кўпинча йигит ва қизлар балоғат ёшига етаётган даврда уларга ҳуснбузар чиқади. Бу улардаги жинсий безлар функцияси бузилиши оқибатида рўй беради. Бошқа ҳолларда терини тўғри парвариш қилмаслик натижасида ҳуснбузар пайдо бўлади. у ҳар қандай ёшда ҳуснбузар чиқишига асосий сабабдир.

Ҳуснбузарлар ташқи кўриниши, тўғрироғи рангига қараб, қора, оқ қизғиш ва қизил ҳуснбузарларга бўлинади. Модомики Сизлар ўз мактубингизда қора ҳуснбузарлар ҳақида маълумот беришимизни сўраган экансиз, қуйида шу ҳақда мулоҳаза юритамиз.

Қора ҳуснбузарлар асосан тери жуда ёғли бўлганда тошади. Бу ҳодисада ёғ безларининг тешиги жуда кенгайган бўлади, уларга чанг ва ифлослар тушиб, аста-секин тешигини беркитиб қўяди, тери ёғининг юзага чиқишини жуда қийинлаштиради ва учи қора ёғ тиқини пайдо бўлади. Агар шу тиқинни бармоқлар ёки пинцет билан ён томонидан сиқилса, ичидан ифлос аралаш тери ёғи ва мугуз ҳужайрадан иборат худди чувалчангга ўхшаш учи қора нарса чиқади. Қора ҳуснбузарлар аксари бурун устида, чаккада, пешанада пайдо бўлади. Бундай ҳуснбузарлар бир-иккитадан бир нечта юзтагача тошиши мумкин.

Бундай ҳуснбузарларни даволашда врач билан бамаслаҳат иш юритган маъқул. Бемор врач белгилаган дори-дармонларни ўз вақтида ичса, у айтган режимни бажарса, албатта ундан фориғ бўлади.

Ўрта Осиё Педиатрия медицина институтининг кўз касалликлари кафедраси доценти, медицина фанлари кандидати Ҳасан Мирзаев йигирма йиллик иш тажрибасида юзлаб беморларни даволаб, уларнинг кўзларига нур бахшида этди.

СУРАТДА: Ҳасан Мирзаев ассистент З. Табачкова ва ординатор Т. Усмонова билан беморнинг кўзидаги ўзгаришларни аппарат ёрдамида назоратдан ўтказмоқда.

И. Шоинғомов фотоси.

ЯНГИ ТЕРАПИЯ КОРПУСИ

Сирдарё районидаги «Малик» совхозининг участка касалхонасидаги болалар бўлими дастлабки беморларни қабул қилди. Бу ерда 60 бола айни вақтда даволаниши мумкин.

Мирзачўлда соғлиқни сақлаш муассасалари доимо кўпаймоқда ва кенгаймоқда. Сирдарё марказий касалхонаси ҳузурида энг янги медицина асбоб-ускуналари билан таъминланган янги травматология бўлими очилди. Янги терапия корпуси жадал суръатлар билан қурилмоқда.

(ЎзТАГ).

ҚАДИМГИ ҲИКОЯТЛАРДАН

МЕЪЁР

Бир ҳаким шундай деган экан:

— Меъёр табиатнинг иттифоқдоши, соғлиқнинг қўриқчиси. Шунинг учун ичганингизда ҳам, еганингизда ҳам, ҳаракат қилганингизда ҳам, ҳатто ошиқ бўлганингизда ҳам меъёридан ошманг!

ХАСИС ТЕРЛАЙДИМИ?

Бир хасис қаттиқ оғриб қолибди. Шунча дори-дармон беришса ҳам терламабди. Уйдагилари нима қилишларини билмай ҳакимга мурожаат этишибди:

— Унинг олдида ёғли қатлама енглар. Буни кўриб у ҳеч қандай дорисиз дарҳол терлайди,— дебди ҳаким.

КЕЧКИ ТАОМ

Бир хасис фақат ярим кечада овқат ер экан:

— Нега шундай бемаҳалда овқат ейсан? — деб сўрашибди ундан.

— Аввало бу маҳалда пашша бўлмайди. Иккинчидан, бу вақтда биров келиб қолмайди.

◆ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА

МАКТАБ ТЎҒРИСИДА ҒАМХЎРЛИК

Қашқадарё область Шаҳрисабз районидаги саксонта мактабнинг ҳаммаси янги ўқув йилига тахт қилиб қўйилди. Бу иш муддатидан бир ой илгари бажарилди.

Бу ерда барпо этилган ўқувчиларнинг меҳнат бирлашмалари ўқув юртларига яқиндан кўмак бердилар. Юқори синфларнинг ўқувчилари мактаб биноларини ўзлари сувадилар. деворларни оқладилар, полларни бўяб, мебелларни ремонт қилдилар. Мактабларга оталиқ қилаётган колхозлар алоҳида сермеҳнат ишларни ўз зиммаларига олишди. Улар ўз фондларидан қарийб юз минг сўм ажратиб, мактабларни зарур қурилиш материаллари билан таъминладилар, ремонтга тажрибали мастер-мураббийларни йўлладилар.

Юқори синф ўқувчиларининг меҳнат чораги уларга қурилиш ишида янги кўникмалар ҳосил қилишга ёрдам берди.

(ЎзТАГ).

ОРОМГОҲЛАР ҚЎЙНИДА

Серқуёш республикамиз меҳнаткашлари ёз фаслида шаҳар атрофидаги салқин сўлим оромгоҳлар сари ошиқадилар. Мафтункор тоғ манзаралари, соя-салқин боғлар, сой ва дарёлар бўйида мириқиб дам оладилар.

СУРАТДА: пойтахт областининг Хумсон яқинидаги Арқитсойда жойлашган туристик база манзараси.

Х. Шодиев.
фотоси.

СПОРТ БАЙРАМИ

Бухоро шаҳридаги 73-ўрта ҳунар-техника билим юртида катта спорт байрами бўлиб ўтди. Байрам янги спорт шаҳарчасининг очилишига бағишланди. Тантанага фақат ўқувчиларгина эмас, балки уларни оталикқа олган— Газли ва Муборак нефть— газ конлари бошқармасининг вакиллари ҳам келишди.

Ўқувчиларни оталиққа олган кончилар уларга керакли қурилиш материалларини келтириб бердилар, лойиҳа тузишда ёрдамлашдилар, спорт шаҳарчасини эса ўқувчиларнинг ўзлари қурдилар. Ишчи кучида етишмовчилик бўлгани йўқ. Бу ерда бўлажак нефть ва газ операторларидан контроль-ўлчов асбобларини ремонт қилувчи слесарлар ва бошқа ихтисосдаги 903 киши меҳнат қилди. Аввалги спорт залига футбол, волейбол ва баскетбол майдони, чопиш йўлкалари, гимнастика шаҳарчаси қўшилди. Спорт билан шуғулланиш учун иккита қўшни мактаб ўқувчилари ҳам бу ерга келишлари мумкин.

— Бизнинг физкультура коллективимизда қарийб 800 киши бор, — дейди билим юрти директорининг ўринбосари Шофиев Мурод Аҳадович.— Секция ва оммавий спорт машғулотларини ўтказишда штатдаги педагоглардан ташқари жамоат инструкторлари, тренер ва судьялар ёрдам беришмоқда. Уларнинг ёрдами туфайли фақат шу йилнинг ўзида 551 ўқувчи ГТО значогини олишга тайёрланди, 281 ўқувчи «СССР туристи» значогини олишга сазовор бўлди.

[ЎзТАГ].

Азиз НЕСИН

ФУТБОЛ ҚИРОЛИ

РОМАНДАН ПАРЧА

«Футбол қироли» машҳур турк ёзувчиси Азиз Несиннинг салмоқли асарларидан бўлиб, бу роман дунёнинг қатор тилларига таржима қилинган. Унда футбол юлдузи бўлишга мажбур бўлган тортинчоқ йигит ҳамда хорижий спорт оламида ҳукм сураётган одатлар ҳақида ҳикоя қилинади. Шу асардан парчаларни эътиборингизга ҳавола этамиз.

ДАСТЛАБКИ САБОҚЛАР

— Мен бекордан-бекорга пул олмайман...

— Аҳмоқ, бўлма, Аҳмаджон! Бунақа имкониятни бой бериш ярамайди. Унга пуллик дарс берасан.

— Унинг-ку мияси жойида эмас, лекин сенга нима бўлди? Сувга кирмасдан туриб сузишни ўрганиш мумкинмаслигини тушунасанми ўзи? Оёғига ақалли бирор марта тўп тегмаган бўлса, у қандай қилиб футболчи бўлади?

— Тегсин-да! Унга тўп бер, боғида ўйнайверсин.

— Бу—қўлидан келмайди, ахир.., Бир тепишдаёқ, нақ дув тўкилгудек бўлиб қулаб тушади.

— Сенга нима? Сенинг ишинг— пул топиш. Унга сени футбол профессори деб аташади, дейишибди, шунинг учун ҳам у сендан сабоқ олмоқчи, профессорбей! У билан гаплашиб бер, деб ҳоли-жонимга қўймаяпти. Қани, ўзинг айтчи, яна неча йил майдонда югуришинг мумкин? Келажак ҳақида ўйлаш ҳам керак-да. Бой келин топсанг ёмон бўлмасди, йўқса, кейин кеч бўлади.

— Ҳа, вақт ҳам шиғиллаганча ўтиб кетяпти... бундай қарасанг мункиллаб қолибсан-да.

— Менинг «нусхам»— бадавлат одам. Сенга озроқ томизса камбағаллашиб қолмайди... Уларда қандай қилиб бўлса ҳам ҳақ тўлаш имконлари бор: гоҳ қандайдир дўкон сотишади, гоҳ уй...

— Тўп тепишни ташлайман, тренер бўламан...

— Бари бир тўпдан қочиб қутулмайсан. Спорт магазини очсанг бўлмайдими? Ана унда пул ҳам керак бўлиб қолади. Усиз иш бошлаб бўлмайди.

Ростданам, магазин очса нима қилади? Унинг номини ўзи ҳар қандай рекламадан аъло, савдо, шубҳасиз, чаққон бўлади.... Яқиндагина у хушбичим, илдам эди, майдонда югурганида ҳеч ким етолмасди. Ҳозир бўлса оғирлашиб қолди, ёғ босди. Қариб, кўпол ўйнайдиган бўлиб боряпти, матчлар давомида кескин ўйнашининг сабаби ҳам шунда. Тўпни қувиб етолмаслигига кўзи етгач ўйинчиларнинг оёғига тепадиган бўлиб қолди. Усталик билан тепарди, шу сабабли судьялар унинг қилиғини дарҳол пайқашмасди...

Севим Аҳмаднинг маслаҳатга қулоқ солаётганини фаҳмлаб, бу ёғини бўшаштирмади.

— Қанақа дарс бўларди! Ҳафтасига бир марта бир-икки соатга келиб, ўша «нусхани» боғда югуртирасан, холос...

Аҳмадни кўндиргач, у қайлиғига телефон қилишга отилди. Телефонни Баррин хоним кўтариб, Саид университетда лекцияда эканлигини айтди.

— Келганида телефон қилганлигимни айтиб қўйсангиз.

— Хўп бўлади, қизим, — қуруққина жавоб берди Баррин хоним ва трубкани қўйди; бу тарбия кўрмаган қиз унга кўпдан бери ёқмас, у билан вижирлашиб ўтириш истаги йўқ эди. Севим трубкани осиб қўйиб ҳайрон бўлиб деди:

— Менинг «нусхам» бутунлай ақлдан озибди. Университетга лекцияга кетганмиш.

Умрида биронта ҳам лекция тингламаган Севимга бундай қилиқ ғоятда ғалати туюлди.

— Севим, ахир, ўртоқларим мени масхара қилишади-ку, — деди Аҳмад.

— Саид билан ўтказган машғулотларингни билиб қолишларидан қўрқаяпсанми? Мен унга ҳаммасини сир тутиш кераклигини тайинлаб қўяман. Ана унда гўрдан садо чиқса чиқадики, лекин менинг «нусхам»дан садо чиқмайди.

Севим билан Аҳмад Саидни қандай лақиллатишни муҳокама қилишаётганда у доктор Рафиқ лекциясида ўтирар ва ўзининг ғалати касалининг мукаммал илмий тафсилотини тингларди. Бироқ бу лекциянинг биринчи қисми фақат касалнинг аломатларига бағишланганди, шунинг учун Саид дўстини ҳеч нарсадан шубҳаланмай ва ошкора қизиқиш билан тингларди.

— Турли психиатриянинг мактаблари асаб касалликларининг келиб чиқишига гўдаклик чоғидаёқ ҳар хил изтироблар натижасида пайдо бўлиб, кейинчалик онг билан мустаҳкамланган комплекслар сабаб бўлади деб ҳисоблашарди... Шу билан бир пайтда улар шартли рефлекслар таъсирида ҳам юз бериши мумкин.. Баъзи бир психастениклар, яъни иродаси бўшроқ кишилар, бетоблик соғломликдан афзаллигига ишонганликлари учун даволанишни истамайдилар.. Касаллик улар учун турмуш машаққатларидан қутқарувчи халоскор вазифасини ўтайди, улар касаллик ортига ўтиб ҳаётдан бекинишади, ҳаёт қаршисидаги ваҳима уларнинг иродасидан кучлироқ...

Агар Рафиқ унга таниш даволаш усуллари ҳақида сўзламаганида, афтидан Саид, гап ўзи тўғрисида кетаётганини тушунмаган ҳам бўларди.

— Бунақа хил касалларга нисбатан хилма-хил даволаш усулларини қўллаб кўриш зарур: спорт билан шуғулланишни ҳам, психиотерапияни ҳам, организмга дори юборишни ҳам...

Лекциядан сўнг студентлар Рафиққа ўз қувончларини билдириб, уни ўраб олишди. Саид ҳам бу лекцияда гап ким ҳақида кетганлигини тушунмаганлигини билмасликка олиб, дўстини табриклади.

Улар у ёқ-бу ёқдан гаплашишиб бирга чиқишди. Аммо Рафиқдан ажралиб, уйига кетаётганда Саиднинг хаёли беихтиёр касалликка қайтди: бир ойлик даволашдан сўнг аҳволи-руҳияси худди кўзи каби, анча яхшиланди, энди китоб ёки газетани нақ бурнигача яқин келтиришининг ҳожати йўқ эди, ёруғлик асабини қўзғатмайдиган бўлди ва агар эрталаб машқ қилишга тўғри келса ёстиқни бехато тепа оларди. Унинг фаҳми етмаган бирдан-бир нарса Америкага бориш масаласи эди — нега иккала врач ҳам бир овоздан океан ортига саёҳат қилишни талаб қилишмоқда? Бунинг унга нима кераги бор? Фақат Севимдан ажралиб қолмаслик учун у аввалгидек ҳар куни барча дориларни қабул қилиши, ҳамма уколларга чидашга тайёр эди...

Амма Севим ҳақида ҳеч нарса демай, ўзи унга овқат келтирди, столга бир шиша вино қўйди. Энди Саид бир-икки қадаҳ ичишдан ҳам қайтмасди. Баррин хоним хавотирланиб Рафиққа жияни ишга берилаётганлигидан шикоят қилганда у хурсанд бўлиб кетди ва ҳатто агар Саид карта ҳам ўйнай бошласа, аёллар билан рақсга тушса ёмон бўлмаслигини айтди. Ҳамма нарса жойида: даволаш наф бера бошлади, чунки Саид ҳаётга қайтаётганди.

Телефон жиринглади.

— Саид, севгилим, — эшитди у Севимнинг овозини. — Менда янгилик бор. Бир амаллаб уни кўндирдим. Ҳа, ҳа, қийинлик билан бўлсе ҳам ҳар қалай рози бўлди у...

«Севгилим» деганини эшитиб маст бўлаёзди, тўғри, Саид кимни кўндирганларини, ким нимага рози бўлганлигини тушунмаган бўлса-да, қайта сўрашга уялди.

— Аввалига у,— давом эттирди сўзини Севим,— вақтим йўқ деди, лекин мен ундан роса илтимос қилдим. У охири рози бўлди. Алло, алло, эшитяпсанми? Алло-о! Нима бало хурсанд эмасмисан?

— Хурсандман, жуда ҳам хурсандман...

— Нега унда миннатдорчилик сўзларини эшитмаяпман? Мен сен учун шунчалик ҳаракат қилсам-у... Истасанг эртагаёқ бошлашинг мумкин. Мана, Аҳмад ёнимда турибди, у билан ўзинг гаплашиб кўр...

Фақат шундагина Саид гап нима ҳақдалигини тушунди.

— Ҳозир, шу дақиқадаёқ... Ҳозир етиб бораман,— ҳовлиқди Саид.

Йўл-йўлакай гулга кириб, шошилганиданми, қайтимини олишни ҳам унутгани учун сотувчи уни кўчада қувиб етди. Уй бўсағасида Саид севинчидан уй ходимасини ўпиб олди, бу билан уни анча хижолатга солиб қўйди ва ўзи ҳам уялиб кетди, кейин эса уни Севим деб ўйлаганини айтиб, узоқ вақт кечирим сўради.

— Севим хоним билан Аҳмадбей бу ёқда. — Оқсоч меҳмонхона эшигини кўрсатди.

Аммо Саид уларни меҳмонхонада ҳам, тортинибгина қарагани бошқа хонадан ҳам топмади. Меҳмонхонада шошилмай бориб келаркан, у қўққисдан ҳамма жойда — столчаларда, деворларда, каминда шу пайтгача сира пайқамаган суратлар ётгани ва осилганини кўрди. Ҳа, демак, ҳақиқатан ҳам даволаш кўзига самарали таъсир кўрсатибди... Ҳамма суратда ҳам албатта спортчилар либосидаги, бунинг устига ҳар қайсисида эркак хотиннинг белидан ушлаган ҳолда жуфт-жуфт бўлиб кулиб туришарди. Тузукроқ қараб Саид биринчи суратдаги Севим эканини таниди ва ёзувни ўқиди: «Севгилимга Улудоғдаги чанғида учиш ҳафталигидан эсдалик учун. Сен — ҳаётимдан энг унутилмас таассуротлардан бири, менинг энг юксак ютуғимсан».

«Қойил, Севим! У чанғичи ҳам экан-а!» — ўйлади Саид. Маълум бўлишича ҳар бир суратда Севим спортнинг хилма-хил турлари билан шуғулланувчи спортчилар билан акс эттирилган экан. Севим гимнастика либосида, унга бундай деб ёзилган: «Мен сен ила гимнастика билан шуғуллана бошлаган кундан эсдалик учун». Мана, Севим чўмилиш кийимида яхта тумшуғида тушган суратга: «Ажойиб ўтган кундан эсдалик», деб ёзилганди.

«Ё оллоҳ, ё худо. Севим қанчалик кўп қиррали спортчи.., Чанғи ҳам, гимнастика ҳам, яхта пойгаси ҳам... Агар мен ҳам футболчи бўлмасам, Саид отимни бошқа қўйганим бўлсин...»

Шу ерда у футболчилар сурати билан тўлган деворни кўриб қолиб, худди картиналар остидаги барча ёзувларни ўрганаётган ихлосманд музей томошабинидек, дастхатларни ўқишга берилди.

Эшик ғичирлаб очилиб, меҳмонхонага бир аёл кирди. Саид севиниб унга ташланди ва албатта, уни қучоқлаб ҳам олди, негаки Севим ҳозиргина уни «севгилим» деб атаганди-да, ахир. Бироқ, кирган аёл унинг қучоғидан қутулиб чиқишга уринар ва: «Қутқаринглар» — деб чинқирарди. Маълум бўлишича, у бу сафар ҳам Севимни эмас, балки Мушакбозларнинг узоқ қариндоши, тўрт марта бева қолишга улгурган ғоятда сермуҳаббат хонимни қучоқлаб олган экан.

— Афв этасиз, мен онахоним деб ўйлабман, — ғўлдиради бечора куёв бу хонадондаги хотинларни мутлақо чалкаштириб юбориб.

Шовқинни эшитиб Севим югуриб кирди.

— Сен нима деб ўйладинг?— чинқириб сўради у.

— Мен... бу... яъни сиз... сизни онангиз..:

Севим ғазабдан оқариб кетди. У қачонгача адашади ўзи?! Аввал ойисини қучоқлаганди, энди бўлса қариндошларига ўтибди...

[Давоми бор].

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

КИНО

19 ИЮЛДА

ҚИШКИ БИНОД

САНЪАТ САРОЙИ— **Хизматдош ошиқлар қиссаси** (18.30).

Жандарм уйланади — «ЧАЙКА» (17.30, 19, 20.30, 21.45), «МОСКВА» (17.45, 19.30, 21.15), «ВОСТОК» 18, 20, 21.30).

Муҳаббат —бу ҳаётдир «КУКЧА» (17, 20.00), «ДРУЖБА» (17, 18, 20, 21.30), ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ номли (18.30, 21.00), «НУКУС» (18.30, 21.00), ҲАМЗА номли 18, 21.00), «ҚОЗОҒИСТОН» (17, 18, 20, 21.00).

Сўнгги отишма — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда), «МИР», ЛИСУНОВ номли (тоқ соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (17.30, 19, 21.00).

Россия империясининг тожи — «ИСКРА» (17, 19.30).

Ҳақиқий тбилисилик ва бошқалар— «ЯНГИОБОД» (тоқ соатларда).

Тошкент шаҳар, Октябрь районидаги 133-мактаб томонидан **Бегматова Умринниса** номига берилган 541481 номерли йўқолган

ЕТУКЛИК
АТТЕСТАТИ
БЕКОР
ҚИЛИНАДИ.

НИЗОМИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
КЕЧКИ БЎЛИМГА
1978—79 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН
қуйидаги мутахассисликлар бўйича

СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш ўзбек тилида: ўзбек тили ва адабиёти, математика, физика, тарих, педагогика ва психология (мактабгача), музика ва ашула, умумий техника фанлари ва меҳнат, чизмачилик ва расм.

Ўқиш рус тилида: рус тили ва адабиёти, математика, тарих, педагогика ва психология (мактабгача), музика ва ашула, умумий техника фанлари ва меҳнат.

Кечки бўлимга ўрта маълумотли ёки ўрта махсус ўқув юртини тамомлаган ҳамда танлаган мутахассислиги бўйича ишлаётган йигит ва қизлар қабул қилинади.

ҲУЖЖАТЛАР УМУМИЙ ҚОИДАГА БИНОАН 31 ИЮЛГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ, КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ ЭСА 1 АВГУСТДАН 20 АВГУСТГАЧА ДАВОМ ЭТАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Педагогика кўчаси, 103-уй.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими давлат комитети
ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕБЕЛЬ САНОАТИ
БОШҚАРМАСИ ҚОШИДАГИ
140-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1978—1979 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ:—**кенг профилдаги ёғочсоз-станокчи** (ўқиш муддати — 1 йил), **дурадгор** (3 йил), **фанерчи** (1 йил), **пардозловчи** (1 йил), **ёғочсозлик ускуналарини созловчи** (3 йил), **прессчи** (1 йил), **бадиий ва моделли мебеллар дурадгорларини** (3 йил) **тайёрлайди.**

Билим юртига 8—10-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган 15 ва ундан катта ёшдаги йигит-қизлар қабул қилинади.

3 йиллик ўқишни тамомлаганларга ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат ва ҳунари бўйича аттестат берилади.

Ўқувчилар кунига 3 маҳал бепул овқат, кийим-бош ва ишлаб чиқариш практикаси давридаги меҳнат ҳақининг бир қисми билан таъминланадилар.

БИЛИМ ЮРТИНИ АЪЛО БАҲОЛАР БИЛАН БИТИРГАНЛАР ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА ИМТИЁЗЛИ РАВИШДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

140-ҳунар-техника билим юрти янги замонавий типда қурилган. Билим юрти қошида бадиий ҳаваскорлик тўгараги доим ишлаб туради. Янги типдаги спорт комплекси бор. Унда ҳар хил тўгараклар ишлайди (бокс, енгил атлетика, шахмат-шашка, футбол ва волейбол).

Областлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Билим юрти директори номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: таржимаи ҳоли, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, турар жойидан справка, 3х4 см. ҳажмидаги 4 дона фотосурат, медицина справкаси.

Машғулотлар — 1 сентябрдан бошланади.

Ҳужжатлар соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳар, «Спутник» массиви, 4-квартал (58, 75-автобуслар, 15-троллейбуснинг «Билим юрти» бекати).

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими давлат комитети
ЛЕНИН, ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ ВА МЕҲНАТ
ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ В. П. ЧКАЛОВ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
БИРЛАШМАСИ ҚОШИДАГИ
С. И. КАДИШЕВ НОМЛИ 166-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1978—1979 ўқув йили учун
ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Металлар бўйича универсал токарлар ва универсал фрезерчилар, учиш аппаратларини йиғувчи слесарлар, механика-йиғув ишлари бўйича слесарлар, дурадгорлар, тунука ва инструментлар бўйича слесарлар.

Ўқиш муддати — 3 йил.

ЎҚИШГА 8- СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, ШАҲАРЛИК ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Шаҳарнинг чекка қисмидан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Билим юртини битирганлар ўрта маълумот ҳақида аттестат ва касблари ҳақида диплом ва В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлаш учун йўлланма оладилар.

Билим юртини аъло баҳо билан битирганлар олий ўқув юртлари ва техникумларнинг сиртқи ва кечки бўлимларига конкурсдан ташқари қабул қилинадилар.

Билим юртида ўқишлар техника воситалари билан жиҳозланган фан кабинетларида ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Ўқиш даврида ўқувчилар заводдан бериладиган имтиёзлардан фойдаланадилар.

Билим юртида спорт секциялари ва авиамоделчилар, фото, радио ҳамда бадиий ҳаваскорлик тўгараклари мавжуд.

Ўқувчиларнинг дам олишлари учун Чимён атрофида махсус дам олиш лагери бор.

Шунингдек, ўқувчилар бепул уч маҳал иссиқ овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар.

Ўқувчилар ишлаб чиқариш практикасида ишлаган иш ҳақининг бир қисмини оладилар.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: ариза, таржимаи ҳоли, 8-синфни тугатганлиги ҳақидаги гувоҳнома паспорт ёки туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, 286-формадаги медицина справкаси, турар жойидан справка 4х5 см. ҳажмидаги 6 дона фотосурат.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Ҳамза райони, Генерал Петров кўчаси, 331-уй 29-трамвай ва 30-автобуснинг «Валихонов кўчаси», 8, 48, 21, 80-автобусларнинг «4-турар жой ҳавзараси» бекатлари).

Тезватоза ювади

ОЛМАЛИҚ МАИШИЙ ХИМИЯ ЗАВОДИ ИШЛАБ ЧИҚАРАЕТГАН СУЮҚ ВА ПАСТАСИМОН КИР ЮВИШ ВОСИТАЛАРИНИНГ АНА ШУНДАЙ ҚАТОР ФАЗИЛАТЛАРИ БОР.

Бу препаратлар ип-газлама, синтетик, жун ва канопдан тикилган кийимлар ҳамда буюмларни тоза ва сифатли ювади.

Суюқ ва пастасимон кир ювиш воситалари ўзининг кир ювиш хусусиятлари оширилганлиги билан диққатга сазовордир.

Такомиллашган пасталарнинг қоришмасида ювилган жун ва синтетик буюмлар ўзининг бўёқлари жозибасини йўқотмайди, чойшабларни эса қайнатиш, ёки синқалашга ўрин қолмайди.

Корхонанинг бу кир ювиш воситалари қўлнинг терисини буриштирмайди, ҳиди ёқимлидир, идишларга маҳкам жойланган. Бундан ташқари ҳар қандай температурадаги совуқ ёки иссиқ сувларда осонгина қоришаверади.

Биз ип-газламали ва канопли чойшабларни ювиш учун «Пальмира» пастасини ишлатишингизни маслаҳат берамиз: «Пальмира» пастасининг қоришмасида ювилган чойшаблар ҳамиша ярақлаб туради, ўзининг оҳорини йўқотмайди.

Нафис жун, шойи ва синтетика буюмларни ювишда «Каштан» ва «Лада» суюқ кир ювиш воситаларини ишлатиш энг маъқулдир. Таркибига қўшилган махсус оқартиргич моддаси туфайли «Лада» пастаси буюмларнинг оқлигини оширади, рангдор газламаларга эса жозиба бахш этади.

«Мечта» пастаси эса каноп ва ип-газлама буюмларни тоза ювади ва чиройли оқартиради.

«РОСЬ-71» кир ювиш пастаси Олмалиқ химиклари ишлаб чиққан янгиликдир.

Бу концентрланган суюқ кир ювиш воситаси ишлатишда тежамкор бўлиб, шойи ва синтетика буюмларни янгидек қилади, уларга жозиба киритади, яна бир фазилати киришмайди.

СИНТЕТИК КИР ЮВИШ ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГИЗ!

Улар кир ювиш юмушини енгиллаштириб Сизнинг оғирингизни енгил қиладиган беминнат ёрдамчилардир.

Синтетик кир ювиш воситаларини барча хўжалик магазинларида ва йирик магазинларнинг хўжалик моллари бўлимларидан сотиб олишингиз мумкин.

ОЛМАЛИҚ МАИШИЙ ХИМИЯ ЗАВОДИ.
«УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ.

ШКАФДАГИ ҚАҲРАТОН

«САМАРҚАНД» ва «ПАМИР» холодильникларининг ана шундай хусусияти бор. Шкаф шаклидаги бу музхоналарда озиқ-овқатлар, сабзавотлар, мевалар, муздек ичимликлар, компотлар, шарбатлар бузилмаган ҳолда доимо янгидек сақланади. Бундан ташқари коктейль, лимонад, шампань ичимликларига солиб ичиладиган муз ҳамиша тайёр туради.

«САМАРҚАНД» холодильниги энг қулай ошхона шкафи бўлиб, унда барча нозу-неъматлар учун ажратилган махсус бўлмачалар бор. Холодильник камерасининг сиғими 180 ва 240 литрдан иборат бўлиб, унинг бундай қуввати ҳар бир уй бекасига 1—2 ҳафта давомида нозу-неъматларни жамғариб қўйиш, имконини беради. Холодильникнинг паст температурали музлатиш бўлмачаси гўшт ва балиқ маҳсулотларини 4 ҳафта муддат ичида сақлаш имконини беради. Холодильникдан фойдаланишда қулайлик яратиш мақсадида унинг пастига оёқ билан босиладиган педаль ўрнатилган. Агарда иккала қўлингиз банд бўлиб, педални оҳиста боссангиз, холодильникнинг эшиги ўз-ўзидан очилади. Музлатиш камерасига лампочка ўрнатилган бўлиб, эшик очилаётганда ва ёпилаётганда автоматик равишда ёнади ва ўчади. **«САМАРҚАНД» холодильнигининг оғирлиги 70 килограмм бўлиб, атрофдаги ҳаво ҳарорати 32 даража иссиқ бўлган пайтда бир сутканинг ўзида икки киловатт атрофида электр қувватини сарфлайди.**

Ана шу буюмни тайёрловчи завод ўзининг маҳсулоти магазиндан сотилган кундан бошлаб 3 йил давомида ишончли ва узлуксиз ишлашига кафолат беради.

Холодильникнинг баҳоси арзонлаштирилганлигини эслатиб ўтамиз. Сиғими 180 литр бўлган «Самарқанд» холодильнигининг баҳоси 225, сиғими 240 литр бўлган холодильникнинг баҳоси эса 325 сўм.

Кичик оилалар учун «ПАМИР» холодильнигини сотиб олишингизни маслаҳат берамиз.

Унинг музлатиш камераси 164 литрдан иборат бўлиб, оғирлиги 65 килограмм, бир суткада 1,65 киловаттдан кўп электр қувватини сарф қилмайди. Баҳоси — 225 сўм.

Яқинда «ПАМИР» холодильникларнинг оиласи «ПАМИР—4» маркали янги модель билан бойиди. У ўзининг аввалги ўтмишдошларидан ички безалиши билан фарқ қилади. Ички шкафининг янги конструкцияси ва қўшимча пазалар токчаларни кенгайтириш ва музлатиш камерасидан унумли фойдаланиш имконини беради.

Кўркам ва ихчам ишланган «САМАРҚАНД» ва «ПАМИР» холодильниклари ошхонангизда озгина ўринни эгаллайди ва файз киритади.

СИЗ ҲУРМАТЛИ ХАРИДОРЛАРНИ
«ТАШХОЗКУЛЬТТОРГ» МАГАЗИНЛАРИГА
«САМАРҚАНД» ВА «ПАМИР» ХОЛОДИЛЬНИКЛАРИНИ
СОТИБ ОЛИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ

АДРЕСЛАРНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ:

1—Пролетар кўчаси, 4-уй.
2—1 Май бозори.
3— Истиқбол кўчаси, 1-уй (Қўйлиқ).
4—Фарҳод кўчаси, 17 «а»-уй.
7— Госпиталь бозори.
8—Черданцев кўчаси, 22-уй.
9—Строительная кўчаси, 1-уйсозлик комбинати.
10—Чилонзор массиви, 12-квартал, Фарҳод кўчаси, 1-уй.
25—Навоий кўчаси, 24-уй.
25/6—Навоий кўчаси, шаҳар ярмаркаси.
29—Марказ — 27, Беруний кўчаси.
39— Энгельс кўчаси (Олой бозори).
47 — Муқимий кўчаси, 1-уй.
56— Бешоғоч бозори.
60 — Боткин кўчаси, 7-уй.

«ТАШХОЗКУЛЬТТОРГ».
«УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ.

Саратоннинг кўйлаги

Шу кунларда меҳнат отпускаси авжига чиққан... Кийимларнинг бу йилги модаси майинликни, хушбичимлиликни, енгилликни тақозо қилмоқда. Саратоннинг кўйлаклари ва костюмларини тайёрлашда жим-жима ёқа, уқа, тўр ёқа, этакка қараб кенгайтирилган юбкалардан ўринли фойдаланилмоқда. Ана шундай ранг-баранг деталларни қўллаш кийимларнинг жозибасини ва фусункорлигини оширади.

Модада ҳамон кийимларнинг газламаси жозибали бўлишини талаб қилинмоқда.

Ранги чиройли, гули жозибали газламалардан тикилган кийимлар ишда ва дам олишда ҳар томонлама қулайдир. Оддий тикилган, белидан пастга кенгайтирилган ёки узун кофточкали юбкалар хотин-қизларнинг энг севимли либослари ҳисобланади.

Саратонда кийиш учун жуда ҳам мос бўладиган бундай либослар учун ўзингизга манзур бўладиган газламаларни сотиб олиш ниятида бўлсангиз

«ТАШПРОМТОРГ»нинг магазинларига марҳамат қилишингизни сўраймиз.

Сизлар бу магазинларда ипак ва ип-газлама, штапел ва канопли ҳамда бошқа гулли ҳар хил бўлган ранг-баранг намуналарни танлаб оласиз.

«ТАШПРОМТОРГ» МАГАЗИНЛАРИГА ХУШ КЕЛИБСИЗ!

«ТАШПРОМТОРГ».
«УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

19 ИЮЛЬ — ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

17.00 «Музей ва кўргазма заллари бўйлаб». Болгар рассомлари асарлари кўргазмаси. 17.30 «Фан оламида». Кўрсатувни СССР Фанлар академияси Сибирь бўлимининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ,академик Г. И. Марчук олиб боради. 18.00 «Горнчилар, қаердасиз!». 18.30 Янгиликлар. 18.40 Балет артистларининг концерти. 19.00 «Лондон». Телевизион очерк. 19.30 «Уильям Шекспир» Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси (Англия). 3 ва 4-сериялар. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 Футбол бўйича СССР кубоги учун. Ярим финал. «Динамо» (Киев) — «Торпедо». Киевдан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Спортлото» тиражи. 23.45 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Интернационал дўстлик клуби». 18.30 РСДРП II съездининг 75 йиллигига. «Россия ва халқаро ишчилар ҳаракатида янги босқич». 18.45 «Бола бошидан...» (рус.). 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Дилижан». Телевизион ҳужжатли фильм. 19.50 «Нафосат оламида». 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Опера театрида премьера». Андрей Петровнинг «Оламнинг яратилиши» балети тўғрисида. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорлари— ҳаётга!». «Хоразм балиқчилари ҳузурида». 22.30 «Даурия». Бадиий фильм. 1-серия. 23.45 Кўрсатувлар программаси.

20 ИЮЛЬ — ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

15.50 «Китоб сенинг ҳаётингда». 16.35 «Восточний» порти. Телевизион очерк. Кўрсатувда бетончилар бригадасининг бошлиғи Н. М. Дорошенко, «Севмормонтаж» бошқармасининг участка бошлиғи В. И. Билева, «Восточний» порти бошлиғининг ўринбосари Г. П. Жебелев, «Дальморгидрострой» трестлари бошқарувчисининг ўринбосари В. П. Панов, Канада портлари Ассоциациясининг раҳбари Ф. Спок иштирок этадилар. 17.05 Болалар учун, «Кўр қуш». Бадиий фильм.

18.10 РСДРП II съездининг 75 йиллигига. «Днестр»даги ҳилватгоҳ». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 18.30 Янгиликлар. 18.40 Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиоси рус қўшиқлари академик хорининг концерти. 19.05 «Нотиқлар бурчаги». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Авторлар— В. Дунаев ва Б. Калягин. 20.05 «Халқаро олимпия «Спортлото»си. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Н. Г. Чернишевский. Хатлар. Эсдаликлар». Туғилган кунининг 150 йиллигига. 22.40 П. И. Чайковский номли VI Халқаро конкурс лауреатларининг концерти. 23.30 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 ВЛКСМ 60 йиллигига. «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Мен— Совет Иттифоқи гражданиман». 18.30 «Ҳаёт каби тирик» (рус.). 19.00 «Туямўйин гидроузели — зарбдор қурилиш». 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Архитектура ва табиат». Телевизон ҳужжатли фильм. 19.45 «Ёзувчилар ёзувчилар ҳақида». Назир Сафаров. Кўрсатувда В. Карпов ва У. Умарбеков иштирок этадилар. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Қўшиқ ва рақс». Концерт. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорлари— ҳаётга!». «Ноз-неъмат бунёдкори». 22.15 «Даурия». Бадиий фильм. 2-серия. 23.40 Кўрсатувлар программаси.

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент политехника институти ректорати, партия ва жамоат ташкилотлари ҳамда умумтехника факультети коллективи «Назарий механика» кафедрасининг доценти С. С. Насриддиновга онаси Тўхта **НАСРИДДИНОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Тошкент шаҳар ижроия комитетининг меҳмонхоналар хўжалиги бошқармаси «Зарафшон» меҳмонхонасининг директори А. О. Онилова онаси Башоратхон **НУЪМОНОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СредаНИИНП институтининг коллективи институтнинг катта илмий ходими, химия фанлари кандидати Абдували **МАЖИДОВ**нинг вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар, А. Икромов район халқ маорифи бўлими ва 124-мактаб коллективи шу мактабнинг география ўқитувчиси К. Жўраевга онаси Саломат **РАСУЛОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ». «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-31; ахборот — 33-38-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-61-42.

Р-13054. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Д—1359.